

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 69 (1668), 2026 йил 9 апрель, пайшанба



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БАРЧА СОҲАЛАДАРДА НАМУНАЛИ ҲУДУДГА АЙЛНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 апрель куни Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти пойтахтга яқин жойлашгани учун ҳудуд аҳолиси иш ўринлари, даромад ва турмуш шaroити ҳам Тошкент шаҳри даражасида бўлишни кутишни таъкидлади. Шу боис, вилоят тадбиркорлик ва бизнес муҳитини яхшилаш, sanoat, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида намуна бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Сўнгги йилларда ҳудудда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2024-2025 йилларда вилоят учун 23 та қарор қабул қилиниб, улар доирасида бюджет, банк кредитлари ва хоржий инвестициялар ҳисобидан йирик ресурслар йўналтирилди. Шу даврда 14 та янги sanoat зонаси ташкил этилди, 115 та инвестиция лoйҳаси амалга оширилди, 237 та янги экспортчи пайдо бўлди ва 300 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Утган бир йил ичида Паркент, Оҳангарон ва Оламликда электротехника, металлургия, фармацевтика, тўқимачилик, машинасозлик ва тоғ-кон соҳаларидаги йирик лoйҳалар ишга туширилди. Пойтахт экологий-саноат зонаси раҳбарлигида 87 та корхона ва янги sanoat лoйҳаларини Тошкент вилоятига кўчириш ишлари бошланди, ҳозиргача 15 дан ортиқ тўқимачилик корхонаси кўчиб келди ва 4700 нафар фуқаро ўз яшаш жойида ишли бўлди.

Умуман, 2025 йилда вилоятнинг ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,1 фоизга, sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги 4,2 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 15,2 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,8 фоизга ўсди.

2026 йилда вилоят иқтисодийнинг 9,1 фоизга, sanoatнинг 8,8 фоизга, хизматлари 17,2 фоизга, қурилиш ишларини 15 фоизга ва қишлоқ хўжалигини 6,6 фоизга ошириш режалаштирилган. Бунинг учун 6,2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш ва 2,8 миллиард доллар экспортни таъминлаш мўлжалланган.

Бундан буён туманлар салоҳиятини сунъий интеллект ёрдамида таҳлилдан ўтказиб, sanoat, инвестиция ва экспорт бўйича янги имкониятларни аниқлаш зарурлиги қайд этилди. Бу ишлар самарасини янада ошириш учун вилоятда Рақамли тараққиёт — сунъий интеллект марказини очиб тақдир қўллаб-қувватланди.

Вилоятда sanoatни бошқариш бўйича янги тизим жорий этилаётган, ҳокимнинг sanoat масалалари бўйича ўринбосарига инвестиция ва экспортни кўпайтириш, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини ошириш бўйича аниқ самарадорлик кўрсаткичлари белгиланиши маълум қилинди.

Жорий йилда 883 та маҳаллани камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, 84,7 минг аҳолини доимий ишга жойлаштириш, 37 минг норасмий иш ўринини легаллаштириш ва 13,3 минг ишсиз фуқарони касбга ўқитиш вазифаси қўйилди.

Саноатдаги қўшимча ўсиш манбалари сифатида қатор янги лoйҳалар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Ангрэн шаҳрида керамика ва керамогранит плитка ишлаб чиқариш, Янгийул туманида “Тинчлик” кичик sanoat зонаси, Паркент туманида “Parkent Phamt” эркин иқтисодий зонаси, Урта Чирчиқ туманида мебоҳчиликка ихтисослашган кластер, қўзиқорин етиштириш ва ширин мажмажўхори ишлаб чиқариш, Янгийулда туркиялик сармоядор иштирокида балқичилик мажмуаси, Нурафшон шаҳрида тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лoйҳалари амалга оширилади.

Ингилишида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Кайд этилганидек, чорва ва парранда гўшти етиштириш ҳажми хануз пойтахт ва вилоят эҳтиёжлари учун етарли эмас. Шу боис, Оҳангарон туманида чорвачиликни ривожлантириш ва озуқа базасини кенгайтириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилди. Бу ерда Қўйчилик ва эчкичилик йилми-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиб, 50 минг бош насли кўй ва эчки олиб келиш режалаштирилган. Оҳангарон ўрмон хўжалиги балансидаги ўрмон билан қопланмаган 60 минг гектар яйлони аукцион орқали ажратиб механизми жорий этилади.

Умуман, 2026 йилда 2,1 триллион сўмлик 78 та чорвачилик лoйҳаси амалга оширилиб, 496 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, 35 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий этиши, янги ерларни ўзлаштириш, бог ва узумзорлар барпо қилиш режалаштирилган.

Парранданчиликни ривожлантириш бўйича Оққўрғон ва Оҳангарон туманларида йилгига 30 минг тонна парранда гўшти етиштириш қувватига эга, қиймати 45 миллион долларлик лoйҳалар амалга оширилди. Кайд этилганидек, пивз ва саримсоқдан гектарига олинаётган даромад галладан бир неча ўн баробар юқори. Шунинг учун Оҳангаронда галла майдонларини юқори даромадли экинларга босқичма-босқич ўтказиб тақдир маъқулланди.

Қиска вақт ичида Бўстонликдаги “Амирсой” қишчи курорт мажмуаси ва “Белдерсой” марказини халқаро даражадаги туризм марказларига айлангани қайд этилди. Эндиликда шундай лoйҳаларини Паркент, Газалент, Оҳангарон ва Ангрэннинг тоғли ҳудудларида ҳам амалга ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, Паркентда “Олтин бел” чўққиси ва унга туташ ҳудудда меҳмонхона, “шалле” услубидаги уйлар, дам олиш ва кўнгилочар мажмуаларини ўз ичига олган тоғ-чанги курорт зонаси, Оҳангарон туманида эса “Мовий тоғлар” дам олиш оромгоҳи негизда замонавий туризм мажмуаси ташкил этилади.

Шунингдек, Ангрэн шаҳрининг Лашкарар ва Янгийул ҳудудларида “туризм қишлоқлари”, Бекобод туманида экологик ва ов туризми, Паркент туманида “Кумушкон” туризм мажмуаси ҳамда Паркентсойда оилавий дам олиш масканлари ва меҳмон уйларини ташкил этиш режалаштирилган. Жойлаштириш воситалари қувватини 35,5 минг ўринга етказиш кўзда тутилган.

Мазкур ишлар ҳисобидан вилоятда туризм экспортини 600 миллион долларга, хоржий ва маҳаллий сайёҳлар сонини 16,5 миллионга етказиш вазифаси қўйилди.

Ингилишида вилоятнинг “оғир” тоифадаги ва “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги” туман, шаҳар ва маҳаллаларидаги 231 та лoйҳага 956 миллиард сўм ажратилгани қайд этилди. Маҳаллаларда уй-жой, электр, сув, канализация ва йўлларни яхшилаш ишларини жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Хусусан, ичимлик суви бормган 39 та маҳалла марказлашган ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади, яна 81 та маҳалладаги 166,7 километр яроқсиз сув тармоғи реконструкция қилинади. Шунингдек, 145 та маҳалладаги 121 та эскирган трансформатор янгиланиб, 443,6 километр электр тармоқлари алмаштирилади.

Ингилишида йирик ижтимоий ва инновацион лoйҳалар ҳам қўриб чиқилди. Жумладан, Юқори Чирчиқ туманида 400 гектар майдонда қиймати 5 миллиард доллар бўлган “Tashkent Medical Smart City” халқаро инновацион тиббиёт шаҳарчасини барпо этиш режаси муҳокама қилинди. Шу билан бирга, Нурафшон шаҳрида 35,4 миллион долларлик Келажак технологиялари марказини ташкил этиш, 100 дан ортиқ хоржий АТ компанияни жалб қилиш ва хизматлар экспортини йилгига 20 миллион долларга етказиш, 670 ўринли кўп тармоқли тиббиёт кластери, ижтимоий муассасалар маркази, вилоят давлат архиви биноси каби лoйҳалар муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, “яшил иқтисодиёт” ва ёшларга оид сиёсат борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда келгуси режалар қўриб чиқилди.

Ингилиш якунида Президентимиз мутасаддиларга вилоят ислохотлар штаби билан биргаликда мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиб, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва яшаш шaroитини яхшилашга қаратилган ҳар бир дастур ва лoйҳанинг аниқ натижа беришини таъминлаш юзасидан топшириқлар берди. Тошкент вилоятини камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириб, бошқа ҳудудлар учун намуна сифатида маъсуллар фаолиятининг энг устувор вазифаси бўлиши белгиланди.

ЎЗА

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тақдирлар тақдироти билан таништи.

Давлатимиз раҳбари бугунги тақдироти замонда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини ишончли таъминлаш энг устувор вазифалардан бири эканини таъкидлади. Шу мақсадда Ички ишлар вазирлигида Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробация хизматлари бириктирилган. Ҳозирда мазкур департамент ИИБ шахсий таркибининг қарийб 30 фоизини ташкил этади.

Таъкидланганидек, бундай катта ва мураккаб тизимни самарали бошқариш ҳамда қатъий назорат қилиш янги ҳаётнинг талаб қилади. Шу муносабат билан тақдимотда соҳада замонавий бошқарув ва рақамли назорат механизмларини жорий этиш, самарадорлик кўрсаткичларини “Жазолавчи тизимдан — аҳолига хизмат кўрсатувчи тизимга” тамойили асосида қайта ишлаб чиқиш бўйича тақдирлар муҳокама қилинди.

Маҳаллаларда профилактика ишларини ташкил этиш ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда республикамиздаги қарийб 9 минг маҳаллада 10 мингдан зиёд профилактика инспектори хизмат қилиб келмоқда. Утган йили улар аҳолидан келиб тушган 2,5 миллиондан зиёд аризани қўриб чиққан, 470 мингдан ортиқ ҳолат бўйича материаллар судга юборилган. Шу билан бирга, профилактика инспекторлари фаолияти устидан ортиқча бошқарув бўйинлари қўйиб кетгани оқибатида маҳалла хавфсизлиги ва жиншоат профилактикасига етарли эътибор қаратилмаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан профилактика инспекторларини ортиқча вазифалардан ҳалос этиб, уларни бевосита ўзига юклатилган ишга — маҳаллада хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аҳоли муаммолари билан манзилли ишлашга тўлиқ йўналтирилган тизим яратиш зарурлиги таъкидланди.

Жумладан, қурилиш онлайн йўриқнома ўтказиш, “Менинг инспекторим” электрон тизими орқали хизматни ташкил этиш, суи-тиббий экспертиза муассасалари билан электрон маълумот алмашишни жорий қилиш, профилактика инспекторларини ишдан ажратмаган ҳолда онлайн ўқитиш ва малакасини ошириш, маҳаллада хавфсизликни таъминлашга қўмақлашувчи “жамоат ёрдамчиси” гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиб тақдир этилди.

Инспекторларга айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича қарор қабул қилиш ваколатини бериш, 6 та кам аҳамиятли қилимиш бўйича маъмурий оғохлантириш тизимини жорий этиш тақдир қилинди.

Бу орқали инспекторнинг маҳалладан чиқмаган ҳолда иш олиб бориши, самарадорлиги ортинши ва қўпроқ аҳоли билан яқиндан ишлаш имконияти яратилиши таъкидланди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича улуксиз ишлаш тизимини йўлга қўйиш, бунинг учун профилактика инспекторлари, мактаблардаги инспектор-психологлар ва маҳаллалардаги хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларни маҳалла даражасида ўзаро боғлайдиган, ёшлар, аёллар ва оилавий муаммоларнинг барвақт олдини олишга хизмат қиладиган ялғит тизим яратиш зарурлиги таъкидланди. Улар реал вақт режимида ахборот алмашишлари ҳамда ягона маълумотлар базасидан фойдаланишлари учун профилактика ахборот тизими жорий қилинади.

Қадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жамоат хавфсизлиги ходимларини тайёрлаш тизими амалиёт билан узвий боғланган манзилли дуал таълим асосида қайта қўриб чиқилаётгани қайд этилди. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги академияси ва Жамоат хавфсизлиги университетини ўртадаги профилактика инспекторлари, пробация инспекторлари, патруль-пост, йўл-патруль ва қўриқлаш хизмати мутахассисларини мақсадли тайёрлаш бўйича янги тизим таъминлаш, маҳалладаги таъмирнинг аҳолига таърирларини бошқариш каби амалий компетенциялар шакллантирилади.

Таълим жараёнида ижтимоий профилактикани амалга ошириш, процессуал ҳаракатлар, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш, жанговар тайёрларлик, психологик бардошлилик, муомала маданияти, саф бўлинмаларини бошқариш каби амалий компетенциялар шакллантирилади.

Тингловчи ва талабалар стажёр лoйҳасига тайинланади, мустақил иш юритиш ҳамда қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлиб, мурабий назорати ва жауобгарлиги остида иш юритади. Битирувдан кейинги 5 йил давомида мониторинг қилиниб, малакаси доимий ошириб борилади.

Президентимиз тақдирларни маъқуллаб, жамоат хавфсизлигини ишончли таъминлаш, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар муросола ва тездор жавоб бериш ва ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ ечимлар ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎЗА

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 690 ЙИЛЛИГИ

Нуқтаи назар

АДОЛАТ ВА ИШОНЧ СПОРТНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”

“...Ул фурсатлар Темурия салотини дастури била тушак устида ўлтурур эдим”.
(Тўққиз юз биринчи (1495-1496) йил воқчалари)
“Бобурнома”дан.

Бобомдан қолган эй сўзлар, аё сўзлар, Менга дармону қувват ҳам даво сўзлар.

Бобом қурган саройлар ичра сизлар ҳам Буюм бир қўрғонсиз даҳр аро, сўзлар.

Менинг шағну гурурим бу шараф-шоним, Турар дунё турар то бу бино, сўзлар.

Жаҳонгирлик била фатҳу зафарлардин Дилмиз сиз берибдирсиз сафо, сўзлар.

Ики кафтин очиб тургандайин бобом, Қолибурсиз менга мисли дуо, сўзлар.

Жам ўлмиш ҳарбу зарбнинг санъати сизда, Гувоҳдир оламу арзу само, сўзлар.

Жаҳон то олғуси давлатчилик дарсин, Жаҳон давлатлари сизларга жо, сўзлар.

Мисоли наврашарнинг набрасидирсиз, Берурсиз то қиёмат сиз садо, сўзлар.

Улуғвор салтанат шундоқ бино бўлмас, Қўрибсиз қанчалар жабру жафо, сўзлар.

Оғирдир подшоҳлик бирла бахт йўли, Бўлингиз менга ҳам сиз Раҳнома, сўзлар.

**Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири**

БУЮК ҲУҚМДОР САБОҚЛАРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҒОЯСИ НЕГИЗИДА

Узоқ вақт мобайнида ўзгиримиз, маънавий қудратимизни сояда қолдириш учун буюк саркарданинг мўътабар номи собиқ мустамлакчилик мафзураси қобғида номуносив сифатлар билан қоралаб келинди. Юртмиз истиқлолга эришганидан кейин улуг аждоқларимиз қатори Амир Темур шахсиятига ҳам муносабат тубдан ўзгарди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ беназир аждоқимизнинг мўътабар номини абадилаштириш борасида қўллаб ишлар қилинди. Бу улуг сиймо, том маънода, халқимизнинг эрк, хуррият, ҳамяят ва орият рамзига айланди.

Бугун эса янги Ўзбекистондаги мисли кўрилмаган ислохотлар, ҳалқ ва миллат руҳиятидаги келажакка юксак ишонч қайфияти, замон билан ҳамнафасликда камол топиб, Учинчи Ренессанс ғоясини юзага чиқариш мақсадида ғайрату шижоат кўрсатаётган ёш авлодининг улкан орзу-умидлари Амир Темур бобомиз шахсияти ва фаолиятидаги бунёдкорлик тамо-йилларига ниҳоятда уйғун.

▶ Давоми 3-бетда

▶ Давоми 2-бетда

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР КАТТА НАТИЖАЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз илгари сурган кўплаб ташаббуслар соҳада мутлақо янги бошқарув ва ташкилий механизмларни жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятли.



Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор

Хусусан, энди ҳар бир вазир, тармоқ ва банк раҳбари, шунингдек, ҳокимлар шахсан ўзи намунга бўлиб, ходимларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шароит яратиши зарурлиги таъкидланди. Ҳафтада бир кунни “спорт кунни” деб белгилаш, ташкилотларда мунтазам машгулотлар ўтказиш, спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган ҳолатларда эса федерациялар ва спорт муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш каби вазифалар бор арадаги ишларни тизимлаштиришга хизмат қилади.

Турдаги анжомлар билан жиҳозланган тренажёр зали ёшларнинг чиқишига хизмат қилмоқда. Сузиш ҳаваси мавжуд. У талабалар билан бирга институт атрофидаги маҳаллалар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Институт волейбол, стол тенниси, шахмат ва баскетбол федерациялари билан ҳамкорлик меморандумлари имзолаган, кўша мусобақалар ва спорт тадбирларини мунтазам ўтказиб келмоқда. Ҳозир талабаларнинг 20 нафари спорт разрядига эга. Йил якунига қадар ушбу кўрсаткични янада ошириш режалаштирилган.

Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда маҳалла ёшлари ўртасида спортга қизиқчини ошириш, ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмуни ташкил этиш мақсадида “Ректор кубоғи” спорт мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларда институтга яқин жойлашган 20 дан ортиқ маҳаллада яшаётган 300 дан зиёд ёш мени футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, сузиш бўйича беллашди.

“Соғлом ҳаёт — соғлом миллат” шиори остида “5000 қадам” юриш акцияси анъанавий ташкил этилмоқда. Юриш жараёни кўтаринки руҳ, бирдамлик ва соғлом турмуш тарзига қизиқиш муҳитида ўтиб, иштирокчилар нафақат жисмоний фаолликни ошириш, балки ўзаро мулоқот ва жамоавийликни мустаҳкамлаш имконига ҳам эга бўлмоқда.

Таклифлари асосида талабаларнинг спорт жиҳозлари ва формалар билан таъминлаш

бошқичида ҳам юзлаб талаба фаол иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, йиғилишда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, институтга ҳафталик “спорт кунни”-ни жорий этиш, талабаларни оммавий спортга янада кенг жалб қилиш, спорт тўғрисида сонини кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни режалаштирдик.

Албатта, сўнгги йилларда спорт соҳасида катта ишлар бажарилди ва шунга мос равишда спортчиларимиз дунё спорти ареналарида тарихий галабаларни қўлга киритмоқда. Шаҳарлардан тортиб, энг чеكка қишлоқларда ҳам зарур спорт инфратузилмаси яратилганлиги ҳисобига спорт билан мунтазам шуғулланувчи юртдошларимиз камрови ошиб борапти.

Бироқ давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги натижалар билан чекланиб қўлиш мумкин эмас. Илгари спортчилар билан тўғри ҳақиқатдаги муносабатимиз бўлиб қолмоқда.

Институт жамоаси олдида спортни янада оммалаштириш, ҳар бир талабани жисмоний фаолликка жалб қилиш, инфратузилмадан самарали фойдаланиш ва натижадорликни ошириш бўйича янада катта вазифалар турибди. Шу боис, келгусида спортни таълим жараёни билан ҳамбарчас боғлаш, талабаларнинг соғлом турмуш тарзига қизиқшини ошириш ва уларни жисмонан баркамол авлод сифатида тарбиялаш устувор йўналишларимиздан биридир.

Хусусан, энди нафақат спорт мусобақаларининг ташкилоти, балки бевосита иштирокчиласига айлиниб, ушбу мусобақаларда фаол қатнашини мақсад қилдик. Ходимлар ўртасида ҳам мунтазам турли спорт мусобақаларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Йиғилишда олийгоҳ ректорларига Термиз давлат университети таърибсини ўрганиш ва спорт соҳаси бўйича бир йиллик режа ишлаб чиқиш топширилди. Биз ҳам ушбу йўналишда ютуқларга эришаётган мазкур олийгоҳ, шунингдек, бошқа олий таълим муассасалари ҳамда жаҳон таърибсини ўрганиш, энг самарали натижа бераётган ёндашувлари институтимизда жорий этишни мақсад қилдик.

Олийгоҳимизда, аввало, ижодкор шахсларни тарбиялаймиз. Бироқ бу спорт бизга бегона дегани эмас. Аксинча, ҳар бир ижодкорнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиши унинг ижодий самарадорлигига ҳам бевосита таъсир

қилади. Ҳар бир вазир, тармоқ ва банк раҳбари, шунингдек, ҳокимлар шахсан ўзи намунга бўлиб, ходимларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шароит яратиши зарурлиги таъкидланди. Ҳафтада бир кунни “спорт кунни” деб белгилаш, ташкилотларда мунтазам машгулотлар ўтказиш, спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган ҳолатларда эса федерациялар ва спорт муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш каби вазифалар бор арадаги ишларни тизимлаштиришга хизмат қилади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Йиғилишда олий таълим муассасаларида спорт йўналишидаги ишлар етарли даражада эмаслиги, федерациялар билан ҳамкорлик ҳамда икитдорли талабаларга индивидуал мураббий бириктириш масалаларида камчиликлар мавжудлиги алоҳида қайд этилди. Айрим олийгоҳларда бу арада ижобий тажрибалар мавжуд бўлса-да, қатор муассасаларда талабаларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичи паст экани танқид қилинди.

Шу муносабат билан барча олий таълим муассасаларига илгор тажрибаларни жорий этиш, спортни ривожлантириш бўйича аниқ ва манзилли режалар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Бу эса ҳар бир олийгоҳдан тизимли ёндашув, масъулият ва амалий натижаларни талаб этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ҳам талабалар ўртасида спортни оммалаштириш, жисмоний фаолликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Жумладан, институт спорт мажмуасида мени футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича мунтазам машгулотлар ташкил этилган. Иккита спорт зали, очиқ майдончалар, замонавий инвентарлар ҳамда бокс ringи талабалар ихтиёрида. Шунингдек, 16

чораси кўрилди. Хусусан, уларга спортнинг 8 турли бўйича зарур анжомлар ва кийимлар тақдим этилди.

2025/2026 ўқув йили давомида “Беш ташаббус олимпиадаси”, “Талабалар лигаси”, “Ректор кубоғи”, “ЎзДСМИ олимпиадаси” каби 20 га яқин спорт мусобақаси ташкил этилиб, уларга 1500 дан зиёд талаба қамраб олинди. Айтиш керакки, “Янги Ўзбекистон талабалари олимпиадаси”нинг институт бошқиси давом этилмоқда. Шунингдек, “Талабалар лигаси”нинг худудий

кўрсатилади. Шундай экан, биз профессионал спортчиларни етиштирмасак-да, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар онгиде жисмоний фаолликка интилишни кучайтириш, қизиқини шакллантиришни ўз олдимизга муҳим вазифа қилиб қўйдик.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, спорт бу фақат мусобақа эмас, балки соғлом турмуш тарзи, интизом, ватанпарварлик ва мамлакат нуфузини намоён қиладиган катта кучдир.

Нуқтаи назар

АДОЛАТ ВА ИШОНЧ СПОРТНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Бошлангичи 1-бегда

Бу ҳужжатни сўнгги йилларда мамлакатда спорт соҳасидаги кенг қўламли ишловларнинг мантқий якуни, айни пайтда эса янги бошқичининг ҳуқуқий пойдевори сифатида баҳолаш мумкин. Чунки амалиёт яққол кўрсатдики, спортни ривожлантириш фақат алоҳида қарор, дастур ёки мусобақалар билан эмас, балки яқин ва пухта ўйланган ҳуқуқий тизим орқали таъминланади. Янги қонун айнан шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.



Малика ҚОДИРХОНОВА, сенатор

Бир маргалик акция эмас

Кейинги йилларда соҳадаги ёндашув тубдан ўзгарди. Илгари спорт кўпроқ юқори натижалар, медаллар ва профессионал спортчилар билан боғлиқ тарзда қабул қилинган бўлса, бугун унга аҳоли сароғлиги, ёшлар тарбияси ва ҳаёт сифати билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий институт сифатида қаралмоқда.

Аммо шу янги ёндашувларнинг барчаси амалда тўлиқ акс этмагани айрим муаммоларни юзага келтираётганлиги. Масалан, оммавий спортни ташкил этиш, ёшларни саралаш ва тайёрлаш, янги спорт турларини тан олиш, спорт ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш каби йўналишларда ҳуқуқий аниқлик, яъни асос етишмасди. Янги қонун айнан шу “узунлик”ни бартараф этиб, амалиёт ва ҳуқуқий база ўртасидаги мутаносибликни тиклашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Қонунда оммавий спорт тадбирларини тизимли ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш орқали режали ва улдузлик характер касб этиши таъминланмоқда. Илгари турли ташаббуслар доирасида ўтказиб келинган мусобақалар эндиликда ягона тизим асосида бўлиб ўтади.

Бу нима беради? Энг аввало, барқарорлик. Яъни спорт тадбирлари “бир маргалик акция” эмас, балки доимий ижтимоий жараёнга айланади.

Тартиб ва шаффофлик

Янги қонунда спорт турларини этироф этиш ва реестрга киритиш тартиби аниқ белгилаб қўйилиши ҳам муҳим янгиланган бири. Айтиш керакки, бу ўзгариш орқали спорт соҳасида муайян тартиб ва шаффофлик таъминланади. Аввал бу масалада аниқ мезонлар етишмаслиги сабабли айрим спорт турларининг мақоми ноаниқ бўлиб қолган. Масалан, айрим ҳолатларда муайян спорт тури фақат бир-ики ҳудудда ёки тор доирада ривожланган бўлса-да, расман тан олинган ҳолатлар учурди. Лекин амалда у билан шуғулланувчилар сонига, инфратузилмаси етарли эмас, мусобақалар мунтазам ўтказилмасди. Бу эса ресурслар тарққатимаслиги, эътибор ва маблағлар ҳақиқатан оммавий бўлган йўналишларга етиб бормаслигига сабаб бўларди.

Яна бир мисол, базис янги пайдо бўлган ёки ОАВ орқали тез оммалашаётган спорт йўналишлари ҳеч қандай аниқ талабларсиз расмий мақом олишга уриниши мумкин эди. Лекин уларнинг республика миқёсидagi камрови, мураббийлар базаси ёки мусобақа тизими шаклланимаган бўларди. Натижада бундай спорт турлари ривожланишидан кўра, қоғозда “мавжуд” бўлиб қолди ҳавфи юқори эди. Энди эса спорт турини этироф этиш учун унинг камида бир неча ҳудудда ривожланган бўлиши талаби қўйилмоқда. Масалан, агар муайян спорт тури ҳақиқатан оммавий бўлса, у нафақат пойтахтда, балки вилоятлар, туманлар кесимида ҳам мавжуд бўлади, у ерда мураббийлар ишлайди, болалар ва ёшлар мунтазам шуғулланади, мусобақалар ўтказилади.

уларнинг ўзига хос эҳтиёжлари етарлича инноватта олинмасди. Бу эса инфратузилма, мураббийлар тайёрлаш, мусобақаларни ташкил этиш каби масалаларда муайян чекловларни келтириб чиқарган.

“ Янги қонун бу ёндашувни тубдан ўзгартирмоқда. Эндиликда адаптив спорт йўналишларига алоҳида, тўлиқ ҳуқуқий мақомга эга тизим сифатида қаралмоқда. Миллий паралимпия қўмитасининг ваколатлари аниқ белгилаб берилганлиги эса бошқарувдаги ноаниқликларни бартараф этиб, қарор қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнини самарадор қилади.

Спорт федерациялари, клублар, лигалар, шунингдек, мураббийлар, ҳакамлар ва агентларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилганлиги соҳада профессионал бошқарув тизимини шакллантиришга хизмат қилади. Илгари мавжуд бўлган ноаниқликлар кўп ҳолларда масъулиятнинг тарққоқлигига сабаб бўлган. Янги қонун эса ҳар бир субъектнинг ўрни ва вазифасини аниқ белгилаб, тизимни институционал жиҳатдан мустаҳкамлайди. Бу эса, ўз навбатида, спортда натижаларини барқарор ва узоқ муддатли бўлишини таъминлайди.

Жаҳон стандартларига мослашув

Қонуннинг яна бир янгилиги унда Миллий антидопинг агентлигининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаштирилди. Илгари допингга қарши кураш, асосан, тарғибот ва кўпинча индивидуал чора-тадбирлар орқали кечарди. Лекин кунчиликда аниқ ваколат ва чоралар тизими етарли даражада мустаҳкамланган эди. Бу эса айрим ҳолатларда спортда адолат ва ишонч муҳитини шубҳа остига қўйгани бор гап.

Янги қонунда кўра, Миллий антидопинг қондалари Жаҳон антидопинг кодексига асосда тасдиқланади ва уни буғаланиш учун қўлланиладиган чоралар аниқ белгиланади. Масалан, спортчи дисквалификация қилинганда, мусобақадаги натижалари бекор бўлади ёки терма жамоадан четлатилиши мумкин. Бу механизмлар нафақат жазо, балки профилактика воситаси сифатида ҳам хизмат қилади — спортчи ва мураббийлар учун қондаларнинг қатъийлиги ва оқибатлари тушунарли бўлади.

Қонуннинг барчамиз учун муҳим бўлган яна бир жиҳати шунданки, унда иш берувчиларнинг ходимлар учун спорт билан шуғулланиш шароитларини яратилиши оид нормалар киритилди. Бу спортчи ҳаётимизнинг бир қисмига айлантириш йўлидаги муҳим қадам десак, тўғри бўлади.

Яъни спорт энди фақат мактаб, университет ёки спорт иншоотлари билан чекланмайди. У иш жойида ҳам, кундали турмушда ҳам ўз ўрнига эга бўлади. Бу аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Янги тахрирдаги қонун мазмунан чуқур, қамров жиҳатдан кенг ва замонавий талабларга жавоб берадиган ҳужжат сифатида қабул қилинди. У спортни фақат олимпиада фаолият эмас, балки жамият тарраққотишини муҳим омили сифатида тарғиб этишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Агар қонунда белгиланган механизмлар ижроси тўлиқ ва самарали таъминланса, яқин йилларда нафақат мамлакатимиз спортчиларининг натижаларида, балки аҳоли саломатлиги, ёшлар тарбияси ва умумий ҳаётда ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Шу маънода, ушбу қонун катта ўзгаришлар йўлидаги муҳим ҳуқуқий пойдевордир.

Томорқачилик

Саранжом-саришта, чоғроққина ҳовли. Унинг остонасидан ҳатлашимиз ҳамон баҳор ифориغا ошуфта турфа мевали дарахтлар қарши олди. Ҳар бир барг, бутқоқда кўкларм қуёши жилваланади. Турфа гуллар, ялизу гилёларнинг хушбўй ҳиди димоққа урилди... — Келаверинглар, эшигимиз очиқ, — дея қондоннинг қорачандан келган, ўрта бўйли соҳиби бизга пешвоз чиқди. Томорқачи Эркинжон Каримов билан танишувимиз шу тарзда кечди.

Кўптеча турмандаги Қумтепа маҳалласида яшовчи Эркинжон уста томорқачи сифатида танилган. Мана, бир неча йилдирки, томорқачида кўзқорин етиштирилади. Ҳозир 120 квадрат метр жойда кўзқорин экиб, бозорга чиқарапти. Маҳсулотнинг бозори чаққон, бир қилоси улгуржи нарҳда 70-80 минг сўм.



Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.

“ОЛГАНИМИЗ ОЛТИН БЎДЛАПТИ”

Эркинжон Каримовнинг иш тажрибаси оммалашмоқда

— Ўн йилдан ортиқ меҳнат мигранти бўлдим. — дейди Эркинжон иссиқхонада ўсаётган кўзқоринлардан бирини қўлига олиб. — Пул топши, тирикчилик йўлида не-не қийинчиликларни бошдан ўтказмадим. Бегона юртда кимнингдир мурувватини кутиб яшаш оғир меҳнатдан ҳам ёмон бўларкан. Томорқа хўжалиқларини ривожлантириш учун берилаётган имтиёз ва имкониятларни кўриб, уйда қолишга қарор қилдим. “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси асосида 100 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Хорижда кўзқорин етиштириладиган иссиқхонада ишлаган эдим. Иш бошлашимда ўша тажриба қўл келди. Кўзқорин уруғини уч қаватли сўрилларда парваришлаймиз. Бу кичик майдондан кўп маҳсулот олишни таъминлайди. Қолаверса, ниҳоллар ривожини назорат қилишда ҳам, тайёр ҳосилни йиғиб олишда ҳам қўл келди. Натижада бир йиғим-теримнинг ўзида

3 тоннадан ортиқ кўзқорин олашни. Бу қарий 200 миллион сўм дегани. Тўрт марта ҳосил йиғилиши инноватга олинса, даромад салмоғини чамалаб олиш қийин эмас. Энди маҳсулотни қайта ишлаш, қадоқлашни йўлга қўйиш, экспортга чиқаришни мақсад қилганман. Бу фақат оиламга эмас, ҳамқишлоқларимга ҳам қўшимча иш, даромад келтиради. Ешлигимизда улугларимиз “Олган тупроғинг олтин бўлсин” деб дуо қиларди. Ушанда бу ҳикматнинг маъносини тушунамай, оддий тупроқ қандай қилиб олтин бўлади, деб ўйлардим. Адашган эканман, меҳнат қилган одам оддий тупроқни олтин дугра айлантиришга қодир экан. Деҳқончилик қилиб кам бўлмаяпти. Кўпчилик иш ўрганиш мақсадида йўл-йўриқ сўрайди. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайман, имкон қадар ёрдам бераман. Қахрамонимиз “устоз-шоғирд” мактабига асос солиб, бу ишга қизиққан ёшларга зарур


билим ва кўникмалар берапти. Эркинжон шу билан чекланиб қолгани йўқ, албатта. Тартиб билан экилган мевали бог ҳам олинган даромад манбаига айланган. Пишиқчилик мавсумида 3 тоннадан ортиқ анжир олади. Бодом, олма, ўрикнинг бозори чаққон. Бундан ташқари, паррандачилик, чорвачиликдан ҳам даромад толапти. — Маҳалламизга ўтган йилнинг ўзида деҳқончилик, чорвачилик, оилавий тадбиркорлик йўналишларини ривожлантириш учун 800 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли сармага ажратилиб, 70 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдამчи Шухурхон Топтемиров. — Айтиш кунда ижтимоий реестрда турган 8 кишига 140 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Шунингдек, меҳнат мигранти сифатида рўйхатга олинган ёшларни тадбиркорлик, томорқачиликка жалб этиб, амалий иш тажрибаларидан ибрат олишга қаққирлатди. Бу йил 50 та хонадон томорқачида иссиқхона қуриши, кўзқорин ва бошқа эртакки сабзавот экинлари етиштириш орқали соҳани маҳалла драйверига айлантирмоқчимиз.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Амир Тему́р таваллудининг 690 йиллиги

БУЮК ҲУКМДОР САБОҚЛАРИ

Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс ғояси негизида



Мақсуд АСАДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтининг директори ўринбосари,
филология фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Темурийлар ва Иккинчи
Уйғониш даври: жасорат ва
маърифат уйғунлиги

IX-X асрларда мамлакатимиз ҳудудидега илм-фан марказлари юзага келди. Хоразм-шоҳ Абду Аббос Маъмур II ташаббуси билан Хоразмда қад ростлаган "Дорул ҳикма ва маърифат" (Хоразм Маъмур академияси) маърифатга ташна, зеҳни ўткир илм фидойиларини жалб қилган. Уларнинг етук салоҳияти, имкониятини юзага чиқариш ва чуқур билим олиши учун кенг имконият яратиб берилган.

Қолаверса, сомонийлар саройида турли мамлакатлардан келтирилган нодир ва ноёб китоблар жамланиб, улкан кутубхона бунёд этилгани Абу Али ибн Синодек фавқулодада иқтидор соҳибларнинг камол топшишида бетемисол аҳамият касб этган. Буюк ақл эгаларининг ихтиролари ҳозирга қадар инсон манфаатлари, истиқболи, фаровон турмуши учун хизмат қилаётгани адолатли жамиятда ихтидор истеъдодга берилдиган эътибор бемасар кетмаслигига ёрқин далиллар.

Иккинчи Уйғониш даври — темурийлар Ренессансининг тамал тоши, тараққийёт пойдевори эса Амир Тему́р бошлаган илғор ислохотларнинг амалий натижаси эди.

Миллат ва халқ бошига турли мушкулотлар, синоу машаққатлар тушганда ҳақиқий элпарвар, юртсевар, мумтоз адабиётимизда улуғланганидек, "эр табиатли", фидоий зотлар тарих саҳнасига чиқади. Уларнинг тоза фитратидега олижаноблик, олийҳимматлик, мардоналик фазилати ёрқин акс этиб туради.

Шубҳасиз, Амир Тему́р асрлар мобайнида қийналган, эзилган, жафокеш халқимизни мугул босқинидан халос қилиб, миллий ғурур, миллий нафсоният тамойилларини онгу шуурга синдирган матонат машаълидир. Унинг халқ руҳиятидаги ўзига кучли ишонч-ни уйғотиши миллатнинг қон томирларида гупуриб турган, аммо эрксизлик, умидсизлик, тушкунлик туйғайли мударанг маънавий кудратни яна жонлантириб юборди.

Амир Тему́р салтанатининг сурурли муваффақиятлари таъсирида адабиёт майдонига мангу нашоу намо топган, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бундай ёзган эди:
Тему́рхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек...
Расоқим боғлашиш — зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Темурий ҳукмдорлар ақл-заковат соҳибларига ҳомийлик қилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш баробарида ўзлари ҳам илму хунар, санъату маданият давраларига бошчилик қилди. Масалан, Амир Тему́рнинг эвараси Хусайн Бойқаро замонда бутунгача ҳам илмий тадқиқотларда сир-синоатлари атрофида ўрганилаётган адабий, маърифий юксалиш босқинчи юзага келди. Алишер Навоий феномени, шубҳасиз, бу жараённинг ёрқин сиймоси эди. Темурийзода Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон тамаддунидаги макеи, давлат бошқаруви, илм-фан тараққийоти, маданий ва маънавий ҳаёт ривожидеги безавол шижоати Иккинчи Уйғониш даври ютуқларининг нақадар пурвиқорлигини янада аққол кўрсатади.

Бугун ваганимиз тараққийётнинг мутлақо янги поғонаси — янги Ўзбекистон даврига дадил ва ўқтам қадам босди. Нафақат ижтимоий-маънавий турмуш маданиятида, балки халқимиз онгу шуури, маънавий-маърифий дунёсида ҳам янгилиниш, мамлакатимиздаги мисли кўрилмаган ижобий ислохотлар таъсирида эртанги ёруғ кунларга умид ва ишонч руҳи ёрқин акс этмоқда. Тафаккур ўзгариши эса шахс камолоти, жамият тараққийоти, юрт раванқи учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Ҳозир Учинчи Ренессанс ошонасида интеллеktуал салоҳияти, азму шижоати фарзандлари билан "эшик қоқиб турган" янги Ўзбекистон жаҳон тамаддуни саҳнада ҳар



қангонидан-да улугвор ва салобатли кўри-наётир. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 80-йилбей сессиясида Ўзбек тилида сўзлаган нутқи миллат етакчисининг кучли иродаси ва халқимиз маънавий жасоратини ифода этган тарихий ҳодиса бўлди.

"Устувор мақсадимиз — мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишдир", деган эди Президентимиз. Дарҳақиқат, жаннатмонанд дёиримизда "инсон — жамият — давлат" ва "инсон қадри

учун" тамойиллари асосида юриштилаётган олижаноб сиёсат ана шу фикрларнинг амалий исботи, ҳаётини намунасидадир.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг илк босқичиданоқ илм-фан ривожига ва олимларга алоҳида эътибор қаратиб, маърифатнинг ҳаётбахш кучини тараққийётнинг неқбин келажагига йўналтиришни мақсад қилган. Жумладан, 2017 йил 17 февралдаги "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги, 2025 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари моҳиятида ана шу — Учинчи Ренессанс ғоясининг ҳаётини асослари, бу йўлдаги амалий хатти-ҳаракатлар стратегияси ифодаланган.

Илм-фан аҳлининг берилган имконият ва яратилган шароитлардан мамнулик кайфияти ила юрт истиқболи йўлида астойдил қилаётган меҳнати эса, ҳеч шубҳасиз, яқин келажақда самара беради.

"Тему́р тузуқлари":
миллат, хурият ва ҳа́мият
қўлланмаси

Амир Тему́р фаолиятида адолат, ҳақиқат, маърифат, жасорат байрогини бандидан кўтариб, разолати хиёнат, адовату қабоҳатга қарши мурасимиз ва шафқатсизларча курашган. Унинг қиёфасида ноҳақлигу адолатсизликка иссэн руҳи миллатга чеқис муҳаббат билан ўзаро уйғунлашган. Агар "Тему́р тузуқлари"га синчковлик ила назар ташласак, бу фикрларимизнинг тўғривлиги яна бир бор амин бўламиз.

Бугун юртимизда Ислам цивилизацияси маркази барпо этилгани, буюк муҳаддис Имом Бухорий қадимозининг қайта очилгани, қўллаб-қувватлаш манунилик кайфияти мақонлари обод маканларга айлантирилгани Соҳибқирон Амир Тему́р бошлаган хайрли ишларнинг янги Ўзбекистондаги улугвор ва бетакрор намуналаридир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 январдаги "Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори халқимиз турмуши маданиятида, "Тему́р тузуқлари"да келтирилгандек, оққўнғиллик фазилатини рақамол топиши ва ҳушёрликнинг оширилшига хизмат қилади, албатта. Ишонч билан айтиш мумкинки, янги Ўзбекистон улуг аждодимиз Амир Тему́рнинг неқбин қарашларидан сабоқ олиб, тараққийётнинг мутлақо ўзига хос йўлидан дадил давом этмоқда.

Соҳибқирон бобомиз "Очиқ кўнғил ва раҳм ва шафқат биле халойиқни ўзимга ром этди. Ва адолат ва муруват қилиб, зулму жаврдин йироқ бўлдим. Ва жоҳил ва ёмон феъллардан безорлик тиладим", дейди. Китоб эса инсонни эзгу фазилатларга ошно этади. Уни камолот сари йўллаб, ахлоқ поклигига эриштиради.



Ана шуни инобатга олиб, янги Ўзбекистонда китобхонликка алоҳида урғу берилаётир. Жумладан, жорий йилнинг 24 февраль кунини мамлакатимиз етакчисининг "Кўксарой" қароғоҳида ёшлар билан урашувида қўллаб-қувватлаш қатори кутубхона, "book safe" ва китоб дўқони очиб, ойнага 10 мингтадан ортиқ китоб сотувини йўлга қўйган тадбиркорларга 3 йилга 1 миллиард сўмгача 7 фоизли судда берилиши алоҳида таъкидланди. Бу эса китобхонликни янада ривожлантириш билан бирга ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни меҳнат бозорига жалб қилиш ва моддий манфаатдорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 5 февралдаги "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Тему́р таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги тарихий қароридега Амир Тему́р ва темурийларнинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини кенг тарғиб қилиш мақсадида "Буюк темурийлар" атамасининг халқорам илмий истилоҳ сифатида жорий қилинишини таъминлаш учун хорижий давлатларда "Буюк темурийлар тарихи ва маданий мероси" мавзусида тақдимотлар, маънавий ва анжуманлар ўтказилиши белгилан қўйилган.

Дарҳақиқат, "Буюк темурийлар" истилоҳи янги Ўзбекистон ғояси ва Учинчи Ренессанс орузи билан муштараклигига таъриф шу ташвиқ этилса, бу неқбин қарашларнинг ўзаро уйғунлиги, бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги ёш авлоднинг онгу шуурига синдирилса, биз ўз кўлаган маданиятимизга, албатта, эришамиз. Зеро, Амир Тему́р бобомиз айтаинидек, азму қарор ва сабуру тоқат ва мулоҳаза ва эҳтиёт ва баҳадирлик билан барча ишлар муяссар бўлур.

Тарих ва бугун

ЕТАҚЧИЛИКНИНГ ТЎРТ ФАЗИЛАТИ

Амир Тему́р давлат бошқаруви ҳақида сўз юритганда, энг аввало, унинг бошқарувини тасодифий эмас, аниқ қоида, тартиб ва мезонларга таяниб ташкил этганини таъкидлаш лозим. Амир Тему́р давлатчиликни ўзбек давлатчилигининг кўп асрлик анъаналарига суянган ҳолда шакллантирилган бўлиб, унда бошқарувининг турли соҳаларини мувофиқлаштириб турувчи тизим, қонун ва тартиб, ижтимоий табақалар манфаатини ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этган. Амир Тему́р ана шу тарихий тажрибани тиклаб, давлатни мустаҳкамлашда энг муҳим омиллардан бири сифатида муносиб номзодларни танлаш масаласига жиддий эътибор қаратган.



Амир Тему́р давлат бошқарувини даргоҳ ва девонларга бўлиб, давлат ва мамлакат аҳамиятига молик масалалар айна шу ерда ҳал этилган. Шу билан бирга, даргоҳда вақт-вақти билан хос мажлислар (давлат аҳамиятига эга энг муҳим масалалар бўйича махфий мажлис) ўтказиб турилган. Бундай мажлисларда давлат ва мамлакат идораси, содир бўлаётган ўзгаришларга муносабат, муҳими, мансаб ва вазифаларга таянлаш каби масалалар кўриб чиқилган. Бу ҳолатдан кўриниб, Соҳибқирон Амир Тему́р давлатида қадрлар сиёсати тасодифий эмас, балки муҳокама, кузатув ва масъулият қарорига асосланган. Махсус қотиблар томонидан мажлис баёнлари қайд этиб борилиши эса қарор қабул қилиш ва унинг натижаларини кейинчалик текшириб кўриш имконини берган. Бу давлат бошқарувида институционал ёндашув мавжуд бўлишини кўрсатади.



Тўрабек ТўРАЕВ,
Солиқ қўмитаси Инсон
ресурсларини ривожлантириш
ва бошқариш бошқармаси
бошлиғи

кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб одамга иш буюради... Яна меннинг тажрибамдан ўттишим, гарчи ишнинг қандай яқунлашгани тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр киши мулоҳазақорлик, тадбир ва кенгашга таяниши лозим. Шунинг учун ҳар бир ишни қилишга киришар эканман, аввал обдан ўйлаб, (амирларим билан) кенгашдим. Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йўнгилганда олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмони, фойдала зиён томонлари, уларни қилиш-қилмаслиқдан сўз очиб, улардан фикр сўраб эдим. Уларнинг сўзларини эшиттач,

ишнинг ҳар икки томонини мулоҳаза қилиб, фойда-зиёнларини кўнғилга келтирардим. Унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор берардим. Қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни бажаришдан воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим... Ишларимнинг барини кенгаш билан юритиб, уни битиришда тўғри тадбир қўлар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиб йўларини мўлжаллаб кўра эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазам, чинлик-чиндамлик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоқни кўриб, ортинги ўйлаган ҳолда охирига етказардим".

"Тему́р тузуқлари"дан яна бир иқтибос: "Амр қилдимки, вази́рлар ушбу тўрт сифатга эга кишилардан бўлишлари лозим: биринчиси — асиллик ва тоза наслик (палаги тоза, келиб чиқиб, насл-насаби), иккинчиси — ақл, фаросатлик, учинчиси — сипоҳу раият аҳолидан хабардорлик, улларга нисбатан хушмуомалалик, тўртинчиси — сабр-чиндамлик ва тинчликсеварлик.

Кимки шу тўрт сифатга эга бўлса, ундай одамни вази́рлик мартабасига лойиқ киши деб билинар. Уни вази́р ёки маслаҳатчи этиб тайинласилар. Мамлакат ишларини, сипоҳу ва раият ихтиёрига унга топширсилар, бундай вази́рга тўрт имтиёз — ишонч, эътибор, ихтиёр ва қудрат берилин".

Бу ўринда эътиборли жиҳат шундаки, талаблар фақат шахсий содиқлик ёки ҳарбий куч билан чекланмаган. Аксинча, амалдорнинг ахлоқий қиёфаси, одамлар билан муомаласи, халқ ҳаётини билиши, босқинлик ва тинчликпарварлиги асосий мезон сифатида белгиланган. Бу ҳолат Амир Тему́р лавозим-



ларга тайинлаш сиёсатини фақат бошқарув техникаси эмас, балки маънавий-ахлоқий масъулият билан ҳам боғлангани англатади. У айрим тоифа кишиларни лавозимга яқинлаштиришнинг ҳам қатъий белгилариди. Ёйибатта мойил, уйдирма гапларга қулоқ солувчи, жабр-зулм қилувчи, ҳасадчи, кин сакловчи, қора кўнғили ва паст табиатли одамларга вази́рлик лавозими берилмаслиги кераклиги қайд этилган. Бу ерда Амир Тему́р нафақат "кимин танлаш"ни, балки "кимин танламаслик"ни ҳам аниқ белгилаб берган. Бошқача айтганда, у қадрлар сиёсатида манжий саралаш мезонларини ҳам ишлаб чиққан. Бу эса давлатнинг барқарорлиги

бевоСИта амалдорнинг маънавий фазилатига боғлиқ эканини кўрсатади.

Амир Тему́р қадрлар тизimini фақат марказ билан чеклаб қўймаган. У маҳаллий бошқарувда (қуйи ижрочи) ҳам аниқ жавобгарлик ва назорат тизimini йўлга қўйган. Алоҳида кўрсатган хизматлари учун йирик амалдорлар, ҳарбийлар, дин пешволари ҳамда бўйсундирилган собиқ ҳукмдорларга шахсий хизмати ва шароитга муносиб равишда бирор ҳудуд (вилоят, шаҳар, туман) тортиқ (суворгол) қилинган. "Тему́р тузуқлари"да ёзилганича, суворгол қилинган ҳар бир вилоят ё мамлакатта иккитадан вази́р тайинланган. Биринчиси йингилдан солиқларни қайд этиб, аҳоли ахволидан бохабар бўлиб туриш, иккинчиси эса йингилдан даромадлар қай тарзда сарфланишини ҳисобга олиш, шу ерда мавжуд ҳарбий қисмларга бериладиган маош тақсимоти кабилар билан баён бўлган. Фараз қилиш мумкинки, мазу́р вази́рлар орқали марказ жойлардаги молиявий, солиқ, ижтимоий ҳолат масалалари бўйича тўғридан тўғри маълумот олиб турган. Суворгол ерларга махсус вази́рларни тайинлашнинг амалий жиҳати бўлгани шубҳасиз. Зеро, суворгол эгалари ўзларига тортиқ қилинган жойлардаги аҳолидан олинган давлат солиқларини тўлашлигича ё муайян улушини олиши назарда тутилган. Бу борада меъёрдан чиқиб, аҳоли норозилигига сабаб бўлувчи ишларга қўл уриш умуман салтанат қудратига пуртур етказиши турган гап эди. Шунинг учун ҳам марказ жойларда ўз вақилирига эга бўлгани табиий.

"Тему́р тузуқлари"да қуйидагича белгиланган: "Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилгач, солиқини уч бўлиб олсинлар."

Агар раият солиқ тўловчи юборилмасдан, солиқини ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўловчи юбормасинлар. Агар солиқ йиғувчини юборишга мажбур бўлинка, улар солиқни буйроқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак-арқон ишлатиб, ишни уриш-сўқишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб, занжир билан кишанламасинлар".

Бу эса Амир Тему́р давлатида қуйи поғонадаги амалдорлар фаолияти ҳам тартиб, ҳисобдорлик ва муайян ахлоқий меъёрлар асосида йўлга қўйилганини кўрсатади. Демак, бу бошқарув тизимини фақат юқори лавозимдагилар эмас, балки жойларда иш юритувчи ижрочи бўгин ҳам қонун ва адолат талабларига бўйсундирилган.

Хусусан, бугунги кунда юртимизда айна шундай одилона солиқ сиёсати ташкил этилиши ҳам солиқ тизимини иншонч ва солиқ тушумлари ошишига имконият яратмоқда. Президентимизнинг қуйидаги гаплари бунга яққол мисол: "Бизга ҳозир тушум ошиши асосийси эмас. Биринчи навбатда, тизimini тўғри қилиб, билмаганларга ўргатиб, солиқ юкнини камайтириб, тадбиркорларнинг зин-эркин, ҳалол ишлашини йўлга қўйишимиз керак. Солиқчилар жазоловчи эмас, қўмақчи бўлиши керак".

Амир Тему́р давлатида бошқарувда ижтимоий табақалар манфаатини ҳисобга олиши ҳам муҳим деб билган. Соҳибқироннинг қуйидаги сўзларига эътибор берайлик: "Давлат устулларини ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан қувватланади". Бу табақа ва тоифа қуйидагилардир: сиёсатчилар, дин пешволари, ҳарбийлар, амалдорлар, зиёлилар, савдогарлар, ҳунармандлар, деҳқонлар, чорвадорлар. Қўриниб турганидек, бу ерда барча ижтимоий табақалар муносабатланган. Гап "ҳукмрон синф" ё бирор алоҳида табақа устидега эмас, бутун жамият аъзолари ва улар тегишли бўлган тоифалар устидега кетмоқда.

"Давлат ишларини салтанат қонун-қондаларига... туро-тузулка таяниб... амирлар, вази́рлар, сипоҳ (ҳарбийлар), раият (халқ) — ҳар бирини ўз лавозимига ва мартабасига қараб бошқардим", дейди Амир Тему́р.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Тему́рнинг қадрлар сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга таянган: биринчи — лавозимга муносиблик ва боғлиқат; иккинчи — ахлоқий поклик ва адолат; учинчи — халқ ахволидан хабардорлик; тўртинчи — маслаҳат ва кенгаш асосида қарор қабул қилиш; бешинчи — тайинланган шахс фаолияти устидан назорат ва ҳисобдорлик. Шу жиҳатдан қаралганда, Амир Тему́р давлатини қучли қилишнинг асосий шартини айна қадр танлашда деб билган.



Дастурда 2551 километр ирригация тармоғини реконструкция қилиш, насос станцияларининг йиллик электр истеъмолини 6,8 миллиарддан 6,2 миллиард киловатт-соатга тушириш вазифалари белгиланган.

Таҳлил

**Жаҳонгир ИСАЕВ,
Барқарор ривожланиш
маркази бўлим бошлиғи**



Бутун ер деградацияси масаласини фақат экологик муаммо ёки агротехник камчилик сифатида талқин этиш етарли эмас. Бу, аввало, иқтисодий барқарорлик, озик-овқат хавфсизлиги, сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлиги, кишлоқ аҳолиси даромади ва ҳудудий тараққиёт сифатига бевосита таъсир қилувчи стратегик омилдир. Шу маънода, янги Ўзбекистон шароитида ерга муносабат табиати муҳофаза қилиш доирасидан чиқиб, давлат бошқаруви маданияти, узоқ муддатли режалаштириш ва келажак авлодлар олдидаги масъулият мезонига айланмоқда.

Президентимиз илгари сураётган ресурс тежамкор ва “яшил” ривожланиш модели ҳам айнан шу мантиққа таянади: табиий ресурсларга муносабат ўзгармас экан, иқтисодий ўсишнинг сифати ва барқарорлиги ҳақида сўз юритиш кийин. Шунинг учун ер деградациясига қарши кураш бутун аграр сиёсатнинг тор йўналиши эмас, балки мамлакатнинг умумий ривожланиш моделига дахлдор масалага айланади.

Ер деградациясининг энг хавфли жиҳати шундаки, у фавқулодда офат каби бир кунда намён бўлмайди. Йиллар давомида тупроқ унумдорлигини пасайтиради, шўрланишни кучайтиради, сувни ушлаб туриш қобилиятини заифлаштиради. Натижада кишлоқ хўжалиги самардорлигини босқичма-босқич емириб боради. Бу жараёнинг иқтисодий таъсири эса жуда катта: фермер аввалги ҳосилни олиш учун кўпроқ сув, кўпроқ ўғит, кўпроқ энергия ва кўпроқ иш кучи сарфлашга мажбур бўлади. Демак, ер деградацияси фақат ҳосилни камайтирмайди, балки маҳсулот таннархсини оширади, рақобатбардўшликни пасайтиради ва аграр иқтисодиётнинг барқарорлигига путур етказиши.

Муаммонинг глобал кўлами ҳам жиддий. БМТнинг Озик-овқат ва кишлоқ хўжалиги таъминоти (FAO)нинг 2024 йил декабрда эълон қилган шўрланган тупроқлар бўйича айлари глобал баҳолиги кўра, дунёда 1,381 миллиард гектар ер шўрланган таъсирида, яна 1 миллиард гектар ер хавф остида. Хўжаликда шўрланган тупроқлар улуши юқори давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам қайд этилган. Шунингдек, айрим экинлар бўйича ҳосил йўқотишлари 70 фоизгача етиши мумкинлиги таъкидланган. Бу рақамлар ер деградациясини тор агротехник масала эмас, балки глобал озик-овқат ва сув хавфсизлиги контекстида баҳолаш кераклигини кўрсатади.

Ўзбекистон мисолида бу масала янада долзарб. Чунки мамлакатимизда кишлоқ хўжалиги, озик-овқат таъминоти ва кишлоқ аҳолиси бандлигининг сезиларли қисми ер ва сув ресурслари ҳолатига бевосита боғлиқ. Тупроқ унумдорлигининг пасайиши фақат



аграр соҳадаги йўқотиш эмас, у озик-овқат нархлари, экспорт тушуми, сув истеъмоли ва ижтимоий барқарорликка ҳам таъсир кўрсатади.


Албатта, иқлим ўзгариши, курғоқчилик, ҳароратнинг кўтарилиши ва трансечгаравий сув ресурсларига боғлиқлик ер деградациясини кучайтирадиган омиллардир. Бироқ Ўзбекистон воқеалиги муаммонинг катта қисми табиий омиллардан кўра бошқаруш сифати, инфратузилма ҳолати ва ҳисоб-китоб тизимлари самардорлиги билан ҳам бевосита боғлиқлигини кўрсатмоқда.

жавоб берилмас экан, энг йирик инвестициялар ҳам қутилган самарани бермаслиги мумкин.

Сўнгги бир-икки йилда ер ва сув ресурсларини бошқаришга доир сиёсатда янги босқич бошлангани кўзга ташланмоқда. 2025 йил августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025-2028 йилларга мўлжалланган дастурида 2551 километр ирригация тармоғини реконструкция қилиш, насос станцияларининг йиллик электр истеъмолини 6,8 миллиарддан

6,2 миллиард киловатт-соатга тушириш вазифалари белгиланган.

Бу рақамлар тармоқда миқдорий ўзгаришлар бошланганини аниқлатади. Бироқ таҳлилий нуқтаи назардан энг муҳим савол шунда: бу ўзгаришлар тупроқ сифатининг яхшилланиши, сув сарфининг реал қисқариши ва ҳосилдорлик барқарорлигида қандай акс этмоқда? Агар ислохотлар натижаси фақат қурилган иншоотлар ёки ўзлаштирилган



билан чеклаб бўлмамлигини, бутун агроландшафт тизими нуқтаи назардан ёндашиш кераклигини аниқлатади.

2026 йил мартдаги экологик лойиҳалар тақдиротида 2026-2030 йилларга мўлжалланган устувор чоралар қаторида шўрланишга қарши курашининг илмий ва амалий асосларини кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Бу эса ер деградациясига қарши кураш миллий экологик сиёсатнинг муста-

Демак, ер деградациясига қарши курашда келажак рақамли мониторинг, аниқ маълумотлар базаси ва илмий асосланган бошқаруш маданияти билан боғлиқ. Қарор қабул қилиш жараёни “қанча маблағ сарфланди?” деган саволдан “қандай натижа олинди?” деган мезонга ўтиши шарт. Ана шундангина инфратузилмага сарфланаётган ҳар бир сўм ва жорий этилаётган ҳар бир технологиянинг ҳақиқий қиймати очилади.

Бу масала бутун мамлакат учун долзарб бўлса-да, унинг кўринишлари барча ҳудудда бир хил эмас. Айрим жойларда шўрланиш юқори бўлса, бошқа ҳудудларда сув танқислиги, яна бошқаларида шўр эрозияси ёки яйлловлар емирилиши асосий хавф манбаи бўлиши мумкин. Шу боис, бу муаммони ягона марказлашган ёндашув билан эмас, балки манзилли ҳудудий сиёсат орқали ҳал этиш самаралироқ.

Оролбўйи ва шўрлашув хавфи кучли ҳудудларда экологик барқарорлик, ер қопламни сақлаш ва яйлловларни тиклаш устувор йўналиш бўлиши лозим. Интенсив суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларда эса сув сарфини қисқартириш, шўрланиш ва дренаж масалаларини ҳал этиш биринчи ўринга чиқади. Демак, ер деградациясига қарши курашининг муваффақияти миллий дастурлар билан бирга ҳудудий дифференцияция тамойили қанчалик ҳисобга олиншига ҳам боғлиқ.

Ер деградацияси фақат тупроқ сифати ёмонлашуви билан чекланмайди. У озик-овқат етиштириш имкониятларини қисқартиради, сув танқислигини кучайтиради, иқлим ўзгаришига мослашишни қийинлаштиради ва кишлоқ аҳолиси даромадларига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу масала барқарор ривожланиш билан бевосита боғлиқ. Чунки барқарор ривожланиш бутунги ахтиёрларни қондириш билан бирга келажак учун ҳам мустаҳкам ресурс ва имкониятларни сақлаб қолиш демакдир.

Бугунги кунда ерга муносабатни ўзгариштириш фақат кишлоқ хўжалиги соҳасининг вазифаси эмас. Бу мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги, озик-овқат хавфсизлиги, сув таъминоти ва ҳудудлар тараққиёти билан боғлиқ стратегик масаладир. Ер фақат ишлаб чиқариш воситаси эмас, балки аҳоли фаровонлиги ва мамлакат келажакнинг таянч ресурси. Шу боис, уни асрашни навбатдаги экологик тадбир эмас, балки миллий манфаат ва барқарор тараққиёт талаби сифатида англаш зарур.

Шунинг учун ер ва сув ресурсларини бошқаришга оид ислохотлар самараси ажратилаётган маблағ ҳамки ёки қабул қилинган дастурлар сон билан эмас, балки уларнинг қанчалик яхлит, илмий асосланган, рақамли мониторингга таянган ва натижага қаратилган тизимга айлана олиши билан ўлچаниши керак. Агар инфратузилма модернизацияси, сув тежовчи технологиялар, шўрланиш ва мелиорация бўйича маълумотлар, илмий ёндашув ва иқтисодий рағбатлар ўзаро ўйгун ишласа, бугунги тахдид эртанги барқарор ўсиш нуқтасига айлиши мумкин.

Шу маънода, бутун ерни асраш фақат табиати асраш эмас. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий келажакини, ижтимоий барқарорлигини ва миллий тараққиёт истиқболини асраш демакдир. Ерга муносабат қанчалик оқилона ва узоқни кўзлаб қорилса, мамлакатнинг эртанги ривожланиш сифати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Ўтган йили ариқларимизда суқ оқа бошлаганидан қанчалар хурсанд бўлдик. — дейди Зокир Қурбонов. — Набираларим қийқириб, сакраганини айтмайсизми? Эшик олдида сув оқиб турса, бундан ортиқ бахт йўқ. Неча йиллардан буён ишлов берилмаган ҳовлимизга сабазоват экдик. Ҳам шу қишлоқдаги мактабда қоровул бўлиб ишлайман. Уйда турмуш ўртоғим, келиним бекор эди. Энди улар ҳам банд бўлиб қолди. Томоркамизда картошка экмиз. Ўтган йилги ҳосилдан уйга керакли нарсалар харид қилдик. Бундан ташқари, ўғлим ҳам хориждан қайтди. Энди каттарок жойда деҳқончилик қиламиз. Оила жам бўлиб яшашга нима етсин...

2025 йил Нишон туманидаги Оқолтин маҳалласи аҳолиси учун қувончли воқеаларга бой ўтди.

Хусусан, одамларнинг бир неча йиллардан буён амалга ошмай келатган орзуси рўёбга чиқди. Ҳудуд ободликка юз тутиб, аҳолининг яшаш тарзи ўзгарди. Турмуши фаровонлашди. Ишсиз кишиларга ўзини банд қилиш имконияти яратилиб, ҳар бир хонадонга баракка кирди. Жорий йил эса янада яхшилланиши шубҳасиз. Боиси, яқинда Президентимиз раислигида камбағалликни қисқарттириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Оқолтин маҳалласидаги ўзгаришлар эътироф этилиб, ҳудуддаги ички йўллар ҳолатини яхшилаш учун бир ярим миллиард сўм ажратилди. Бу хушxabар бутун маҳалла одамларини мамнун этгани шубҳасиз.

ОРЗУ ЭДИ

Бунга анча йиллар бўлди. Ушанда ҳали бу атрофда деярли аҳоли яшамасди. Дастлаб хўжаликлар ташкил этилди. Чўл ўзлаштирилиши борасида катта ишлар бошланиб кетди. Катта канал орқали сув ўтказилган, яқин атрофда пахта экиш бошланди. Хўжаликларга ишчи олинди, аҳоли бирин-кетин ҳозирги Новур аталмиш кишлоққа кўчиб кела бошлади. Кимдир чорва билан, яна биров далада меҳнат қилиб турмуш кечирадиган бўлди. Ҳар бир хонадонда кампада олти сотик ер бўлган. Оси меҳнатқаш одамлар эмасми, томорқа бўш турганидан хижолат бўлишди. Мақсадли фойдаланиш истигадда ҳаракат бошланди. Аммо сув йўқлиги боис, бу бефоида бўлди. Лекин аҳоли интилишдан тўхтамади. Хўжалик раҳбарларига мурожаат қилиб чиқинди. Орадан вақт ўтиб, кишлоққа илк бор қувур орқали сув келтирилди. Бу катта имконият эди. Одамлар энг шимариб ишга киришди. Қисқа фурсатда кишлоқ яшил маконга айланади. Ҳовлиларда турли сабззоват

Камбағалликдан фаровонлик сари



экилиб, рўзгордан ортганини бозорга ҳам сотадиган бўлишди.

“Адамасам, ўша даврда тўрт-беш йил сув яхши келиб турди. — дейди Новур қишлоғилик Панжи ота Холёров. — Шунинг эвазига томорқамиздан унумли фойдаландик. Дарахт экдик, даромад олишни бошладик. Афсуски, бу кўнга бормади. Бошида сув бир-икки ой тўхтаб қолди. Кейин эътирозлар бўлавергач, насосларни таъмирлашди. Яна сув кела бошлади, аммо кўнга бормади. Охири, умуман сув келмай қўйди. Қанча ҳаракат қилсак-да, натижа бўлмади.

Вақт ўтиши билан ҳовлида бирор нарса экишдан кўра, кўклаб турган ниҳолларимизни асраб қолишни ўйлаб қолдик. Барбир имкон топмадик. Аста-секин дарахтларимиз нобуд бўла бошлади. Бу орада хўжаликлар ҳам тугатилиб кетди. Кўпчилик ишсиз қолди. Оила тебратиш зарур. Биргина деҳқончилик қилиш чораси ҳам йўқ бўлганди. Чорва билан шуғуллана бошладик. Қўй-мол кўпайтириш бошланди. Аммо бу орада қишлоқдаги саноқли қолган дарахтлар ҳам қуриб битди.

Аслида, чорвага ҳам яхши шaroит зарур. Ем-хашак керак. Бунинг барчаси сув билан. Бир неча бор хашар уюштириб, сув келтиришга уриндик. Кучимиз етмади. Ахирги тақдирга тан бериб, умидимизни уздик. Бу фақатгина орзуга айланди...”.

Панжи ота таъкидлаганидек, вақт ўтиши билан кишлоқда аҳоли анча оғирлашиб қолади. Ҳатто жазирамада одамлар соялайдиган дарахт топилмайдиган даража борди. Мурожаат қилиб, борилмаган идора қолмади. Аммо қуруқ ваъдадан нарига ўтишмасди. Сабри тугаган ёшۇ қари бирлашиб, хашар уюштирди. Каналдан сув келтириш режалаштирди. Бу осон эмасди, албатта. Электр токи, насос каби масалаларини ҳал этиш муаммо бўлиб қолди. Барча уриниш самарасиз кетди. Илложиз қилишгач, кўпчилик хорижга иш излаб кетишга мажбур бўлди.

жўнатади. Гоҳида ишдан чарчаб ўтириб қолади. Шу пайтлар: “Қани эди кишлоғимизда ҳам даромад топишга имкон бўлди. Бу ерларда сўм бўлиб юрмасдикми? Бир кун шундай бўлар”, дея хаёл суради. Шу кунни умид билан кутиб вақт ўтказди.

— Умрининг саккиз йили бошқа юртда ўтди. — дейди Фахриддин Худойёров. — Бошқа илож ҳам йўқ эди-да. Фарзандлар улғаяётган, уларни ўқитиш уй-жой қилиш зарур эди. Рўзгор ташвишларини айтмасам ҳам ҳамма билади. Аслида, ким юртдан узоқда бўлишни хоҳлайди дейсиз. Олис ўлкада пул топишининг ўзи бўладими? Шукрки, бугун бунга ҳожат йўқ. Энди уйда туриб ҳам маблаб топишга шaroит бор. Илгари деҳқончилик қилмасиз десак, сув йўқ эди. Ўтган йили қишлоққа оқар сув келди. Буни биз йигирма

ЭНДИ ХОРИЖГА САЁҚАТГА БОРАМИЗ

беш йил кутдик. Бундан бошимиз кўкка етди. Қувонганимиздан қўлимизга кетмон олиб, томорқани ишга солдик. Ўтган йилнинг ўзида олти тоннадан зиёд картошка олдим. Уни қовлаб олгач, ўрнига сабзи экдим. Ҳосил чўга анча баланд бўлди. Ўзимизнинг эхтиёжимиздан ташқарисини бозорда сотдик. Ҳисоблаб кўрсам, эллик миллиондан сўмдан ортиқ даромад кўрибман. Бу йил ҳосилни янада ошириш ниятим бор. Шундай экан, четга чиқришга нима ҳожат? Энди хорижга фақат саёқатга борамиз.

Маҳалла фаолларининг айтишича, қишлоқ оқар сув билан таъминланиши натижада ўтган йилнинг ўзида 100 га яқин киши миграциядан қайтган. Айна пайтда ўзини банд қилиб, даромад топапти. Муҳими, оиласи бағрида.

ЛОЙ КЎЧАЛАР РАВОН БЎЛАДИ

— Оқолтин маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли бешта қишлоқ бор, — дейди маҳалла раиси Дилшод Давлатов. — Шулардан энг кўп аҳоли истиқомат қилаётгани Новур қишлоғи. Шу пайтга қадар биргина шу қишлоқда оқар сув муаммо бўлиб келатганди. 2025 йилда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 3 миллиард сўм ажратилди. Шунинг ҳисобига насос олиб келинди. 2 километр масофага қувур ётқизишди. Қишлоқ аҳолиси ташаббус билан трансформатор ва 150 киловаттлик қуёш панели ўрнатилди. Ўтган йилнинг апрель ойидан бошлаб катта каналдан сув тортилди. Ўша йилнинг ўзида деҳқончилик ишлари авж олди. Одамлар икки мартадан экин экиб, эллик-олтмиш миллион сўмгача даромад олди. Ўрнатилган қуёш панели ҳисобидан ҳам давлатга электр сотиб, ҳар бир хонадон ойнага бир миллионга яқин маблағ ишламоқда. Жорий йил бу кўрсаткич яна ортисини аниқ.

Қишлоқ фаолларининг айтишича, ички йўлларга шу пайтга қадар бирор марта эътибор қаратилмаган. Шу сабаб қишлоқ лой, ёзда тупроқ, ماشиналар ҳаракатланиши, бола-ларнинг мактабга қатнаши ҳар доим мушкул бўлиб келган. Энди қишлоқ ички йўллари асфальт қилиниши орқали тез орада ҳудуднинг яна бир катта муаммоси бартараф этилади. Бу эса одамларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш билан бирга яшаيدан розилигини орнатишига замин яратади. Муҳими, инсон қадрли тамойили асосида қилинган ҳаракат эзу мамули сари шаҳдам одимламоқда.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Меҳнат бозорига йўналтирилган ИНСОН КАПИТАЛИ стратегияси



Азимжон ҲУСАНОВ,
Касбий таълим агентлиги директори

Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат шароитида касбий таълим тизими иқтисодий ўсишни жадаллаштирувчи, бандликни таъминловчи ҳамда жамиятда ижтимоий барқарорлиқни мустаҳкамловчи муҳим стратегик омил сифатида майдонга чиқмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тизимни модернизация қилиш, замонавий меҳнат бозори талабларига мослаштириш ҳамда ёшларни аниқ касб-хунарга йўналтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Энди касб ўрганишга нафақат эҳтиёж, балки ҳар бир фуқароннинг муносиб ҳаёт кечирishi учун мустаҳкам пойдевор сифатида қаралади.

Хусусан, Касбий таълим агентлигининг ташкил этилиши ёшларда амалий кўникмалар ва замонавий компетенцияларни шакллантириш, ўқувчиларни касбга йўналтириш самарадорлигини ошириш, шунингдек, касбий таълим тизими бошқарувини тубдан янгилашга кенг имконият яратди.

Шунингдек, техникумлар фаолиятини такомиллаштириш, дуал таълим тизимининг жорий қилиниши, ишлаб чиқариш билан интеграциянинг кучайтирилиши, замонавий ўқув дастурлари ва халқаро стандартларнинг таъбиқ этилиши шу ёшларда ислохотларнинг амалий ифодасидир. Эътиборли жиҳати шундаки, касбий таълим тизими камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш ва ижтимоий барқарорлиқни мустаҳкамлашда ишончли воситага айланиб бормоқда. Янги Ўзбекистонда “инсон кадри учун” тамойили устувор аҳамият касб этар экан, касбий таълим айнан шу гонинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда. Чунки малакали, ўз касбининг устаси бўлган инсон нафақат оиласи таянчи, балки бутун жамият ва давлат тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучга айланади.

Мазмун ва зарурат

Бугун меҳнат бозори талаблари кун сайин, соат сайин ўзгариб бормоқда. Эскирган, анъанавий касблар ўрнини инновация, рақамли технологиялар ва креатив ёндашув талаб қилувчи янги мутахассислар эгалламоқда. Айбан шу тизимли муаммоларни тубдан ҳал қилиш, таълим ва меҳнат бозори ўртасида мустаҳкам кўприк барпо қилиш мақсадида Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўналган Мурожаатномасида касбга тайёрлашнинг мутлақо янги, замонавий архитектурасини яратиш бўйича тарихий ташаббусларни илгари сурган эди. Қабул қилинаётган ийрик давлат дастурлари ёшларни эрта касбга йўналтиришдан тортиб, халқаро даражадаги юқори малакали мутахассис қилиб етиштириш ва кафолатли иш билан таъминлашга бўлган узулуксиз занжирини ўзида mujассам этмоқда. Касбий таълим тизими олдидида энг долзарб масала битирувчи тақдирини, унинг меҳнат бозорига ўз ўрнини топа олишидир. Зеро, касбий таълим натижаси аудитория билан эмас, балки ишлаб чиқариш майдонига реал иқтисодиётда ўз таъсирини топади. Шу маънода, меҳнат бозори билан уйғунлик касбий таълим соҳасидаги барча қарорларнинг бош мезони.

Мамлакатимизда бу борада туб бурилиш ўзи бермоқда десак, асло мулоҳаза бўлмайдими. Энди таълим тизими иқтисодий эҳтиёжларин билан ҳамоҳанг ривожланмоқда. Ҳар бир янги йўналиш, ўқув дастури ва қабул квотаси ортда аниқ ҳисоб-китоб, чуқур таҳлил ва энг муҳими, меҳнат бозорининг реал талабига туриди. Бугунги ёндашуving устувор жиҳати шундаки, унда иш берувчи оддий кузатувчи эмас, балки жараённинг бевосита

иштирокчисига айланмоқда. Бу эса кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга олиб чиқиш имконини бермоқда. Қайси соҳада қандай мутахассис кераклиги, у қандай кўникмаларга эга бўлиши зарурлиги назарий фарзлар эмас, балки амалий эҳтиёжлар асосида белгиланмоқда. Натижада касбий таълим тизими “натижа учун таълим” принцигига ўтди. Энг муҳими, бундай ёндашув таълим тизимига ҳам мослашувчанлик бахш этмоқда. Чунки бугунги меҳнат бозори мутасил ўзгариб, янги касблар пайдо бўлмоқда, айримлари эса тарихга айланмоқда. Бундай шароитда фақат меҳнат бозори билан ҳамнафас тизимгина самарали ишлай олади.

Меҳнат бозори билан уйғунликни таъминлаш, табиийки, таълим мазмунини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Сабаби янги йўналиш ва касбларнинг пайдо бўлиши бозор талабини ўзгартирмоқда. Қолаверса, сунъий интеллектнинг жадал кириб келиши ҳам бу масалалар устида бош қотиришга ундайди. Шу сабабли замон эҳтиёжларига жавоб берадиган билим ва кўникмалар ҳам мунгазам янгилаб борилиши шарт. Бугун касбий таълим тизимида ўқув дастурларини модернизация қилиш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Энди дастурлар эскича ёндашув асосида эмас, бевосита соҳа эҳтиёжларини, ишлаб чиқариш талабларини ва замонавий технологиялар ривожидан келиб чиқиб шакллантирилмоқда.

Асосий устун

Касбий таълим тизимида шаклланаётган янги модель марказида дуал таълим туриди. Бу ёндашув ўқитиш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги анъанавий узиллишни бартараф этиб, иқтисодий ягона тизимга бирлаштириётган муҳим механизмга айланмоқда. Бугун 510 дан ортиқ техникум, 14 миңдан зиёд корхона ва ташкилот ҳамда 67 миңдан ортиқ ўқувчи “устоз-шогирд” тамойили асосида фаол ҳамкорлик қилаётгани дуал таълимнинг амалда кенг қамровли тизимга айланганини кўрсатади. Энг эътиборлиси, ишлаб чиқаришнинг ўзидан жалб этилган 17 миңдан ортиқ малакали мутахассиснинг устоз сифатида иштирок этаётгани таълим жараёнини реал меҳнат муҳити билан бевосита боғламоқда. Бу жараён касбий таълим моҳиятини тубдан ўзгартирди. Энди ўқувчи фақат аудиторияда ўтириб билим олмайдди, балки ишлаб чиқариш жараёнининг тўлақоғини иштирокчисига айланади. Бу диплом учун эмас, аксинча, реал кўникма учун таълим тамойили асосланмоқда. Натижада битирувчи меҳнат бозорига мослашиш босқичи учун ортиқча вақт сарфламайди, тайёр мутахассис сифатида кириб келади. Дуал таълимнинг яна бир муҳим жиҳати — унинг иқтисодий билан тўғридан тўғри интеграциялаштириладиган. Худудларда “инвестор — тармоқ — техникум” занжирини йўлга қўйилгани ва 4000 дан ортиқ ийрик иш берувчининг техникумларга бириктирилгани кадрлар тайёрлашни бутунлай янги босқичга олиб чиқди. Энди қайси ҳудудда қандай мутахассисга эҳтиёж



Ислохотлар — амалда

Бундан ташқари, дуал таълимда ўқитган ёки ўқишни тугатганига 3 йилдан кўп бўлмаган мутахассисни ишга олган тадбиркорлар учун қўшимча рейтинг баллари берилди ҳамда даромад солигини тўлашда имтиёзлар даври узайтирилиши назарда тутилган. Натижада “таълим — ишлаб чиқариш — бандлик” занжирини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг реал сектори билан таълим тизими ўртасида узвий боғлиқлик юзга келади. Шу тариқа дуал таълим касбий таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқаётган, уни замонавий иқтисодиёт талабларига мослаштириётган ва энг муҳими, ёшларни ҳаётга, аниқ касб ва барқарор бандликка тайёрлаётган стратегик устунга айланмоқда.

Ижтимоий тенглик ва инклюзивлиқни таъминлаш

Касбий таълим тизимида ижтимоий адолат ва инклюзивлиқни таъминлаш устувор вазифалардан. Тизимда фаолият юритаётган педагогларнинг турли ижтимоий шароитда экани инобатга олинди, улар учун мослашувчан малака ошириш механизмлари жорий этилмоқда. Хусусан, у ёшгача фарзанди бор, ногирон ёки нафақа ёшига етган педагог ва раҳбар кадрлар учун масофавий ҳамда аралаш шаклдаги малака ошириш курслари ташкил этилмоқда. Бу эса ҳар бир педагогнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, касбий ривожланишини узулуксиз таъминлаш имконини бермоқда. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банд бўлмаган фуқаролар ва ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг ишсиз аъзоларини касб-хунарга, хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўникмалари бўйича ўқитиш тизими кенг жорий этилмоқда. Бу йўналишда давлат ва нодавлат таълим муассасалари негизда қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилиб, уларнинг аниқ рўйхати шакллантирилмоқда. Энг муҳими, ушбу жараён ваучер тизими асосида молиялаштирилиб, Бандликка қўмақлаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватланади. Натижада умумий ҳисобда 400 миңга яқин банд бўлмаган фуқаро ва кам таъминланган оилаларнинг ишсиз аъзоларини касбга ўқитиш, уларга янги даромад манбаи яратиш ва ижтимоий фаоллигини ошириш имконияти берилди. Бу эса

мусобақалар ўтказилиши кўзда тутилган. Танлов доирасида минглаб иштирокчилар қамраб олинди, ғолиблар муносиб рағбатлантирилади ҳамда халқаро мусобақаларга тайёрланади.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида техникум директори ва ўринбосарлари учун менежерлик сертификацисиз тизим жорий этилиб, 600 дан ортиқ раҳбар кадр махсус ўқув курсларида тайёрлашнинг режалаштирилмоқда. Шунингдек, битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида “Карьера” электрон платформаси ишга туширилди. Ушбу тизим орқали талабалар, битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида тўғридан тўғри алоқа ўрнатилиб, сунъий интеллект асосида мос иш ўринлари ва номзодлар тавсия этилади.

Маҳаллий ва халқаро интеграция

Тизимда маҳаллий ва халқаро интеграциянинг кучайиши бугунги шароитда стратегик аҳамият касб этади. Бу жараён, аввало, тайёрланаётган кадрларнинг фақат ички бозор талабларига эмас, балки глобал меҳнат бозори эҳтиёжларига ҳам мос бўлишини таъминлайди. Натижада битирувчилар учун нафақат мамлакатда, балки хорижда ҳам муносиб иш топши имкониятлари кенгайди. Шу билан бирга, халқаро стандартлар ва илгор тажрибаларнинг жорий этилиши таълим сифатини ошириб, касбий тайёргарлик даражасини янги босқичга олиб чиқади.

2027 йилда 150 та, 2028 йилда эса қолган барча касбий таълим дастурлари касбий стандартлар ва халқаро таълим дастурлари асосида янгиланиши белгиланди. Бу эса ўқув жараёнини нафақат миллий, балки глобал меҳнат бозори талабларига мослаштиришнинг таъминлайди. Ҳозир эса ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мослаштиришнинг жараёнидаги касблар таҳлил қилиниб, улар орасидан талаб энг юқорилари танлаб олинди. Касблар бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган давлатларнинг компетенцияга асосланган таълим стандартлари ўрганилди. Натижада касбий таълимнинг барча даражаси бўйича узвийлик сақланиб, янги модулли ўқув дастурлари лойиҳаси тайёрланмоқда. Ушбу модуль тизими ўқувчиларга нафақат билим,



“2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги илгор касбий маҳорат техникумлари негизда “Касблар шаҳарчалари” ташкил этилмоқда.

Бугун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, хорижий мамлакатларнинг иш берувчи корхоналаридаги актуал бўлиш ўринлари сонини, шунингдек, мутахассисларга қўйиладиган талаблар бўйича тўлиқ маълумотлар Касбий таълим агентлигига тақдим этилмоқда. Шу орқали ўқув дастурлари нафақат миллий, балки халқаро меҳнат бозори стандартларига мослаштирилмоқда. Шунингдек, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорлик доирасида республикамиз бўйича етакчи 125 корхона ва ташкилот ҳамда давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлар уюшмалари билан техникумларда дуал таълим тизимини жорий этиш ишлари йўлга қўйилган. Мазкур ҳамкорлик доирасида ўқувчилар амалиётини ташкил этиш, битирувчилар бандлигини таъминлаш, техникумлардаги ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш каби муҳим йўналишларда ишлаб бажарилмоқда. Шу тариқа ўқувчилар амалий кўникмаларни эгаллаб, битирувчилар иш бозорига ўз ўрнини топади, техникумлар эса малакали кадр тайёрлашда самарали марказга айланади.

Таълим дастурларини янгилаш масаласи тизимнинг яна бир муҳим йўналишидир. Президентимизнинг 2025 йил 23 октябрдаги “Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2026 йилда 60 та,

балки амалий кўникмаларни босқичма-босқич эгаллаш имконини беради, битирувчиларни эса меҳнат бозорига тўлиқ тайёрлайди. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 23 октябрдаги “Касбий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ҳамда “Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жорий йил бошдан энг яхши натижа кўрсатган педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими усталари малакаси хорижий ва миллий платформалар орқали оширилди. Шу тариқа уларнинг касбий салоҳияти тизимли тарзда ривожлантирилмоқда. Таълим жараёни эса янада сифатли ва амалий натижа берадиган бўйича касбий таълим ташкилотларидаги 21 миң 504 ўқитувчи ва 6531 ишлаб чиқариш таълими устаси Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти, таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги 4 та милятақавий, 15 та тармоқ марка ҳамда 4 та илгор профессионал тайёргарлик марказида 85 йўналиш бўйича малака ошириш курсларида ўқитилди. Бугунгача малака ошириш марказларида жами 4018 ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари Италия, Германия, Беларусь, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар таълим тизими асосланган курсларда назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланган ҳолда малака оширди. Бундан

ташқари, энг яхши натижа кўрсатган 50 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси, умумтаълим ва махсус фан ўқитувчилари малакасини ошириш учун хорижа юбориш имконияти яратилди.

Аёллар улуши қандай?

Ҳозир республикамиз бўйлаб 595 та касбий таълим ташкилотига 438 миңга яқин ўқувчи 329 касб ва мутахассислик бўйича таълим олмақда. Хусусан, уларнинг 192 миң 185 нафари хотин-қизлардир. 2025-2026 ўқув йили учун тасдиқланган қабул параметрлари доирасида 108 миң 686 аёл-қиз ўқиш учун касбий таълим ташкилотларига қабул қилинди. Шунингдек, 284 касбий таълим ташкилотига меҳнат бозорига талаб юқори бўлган 75 касб бўйича 25 миң 721 ёш ва ишсиз аҳолига қисқа муддатли курслар ташкил этилди. Тинловчилардан 15 миң 772 нафари аёл-қизлардир. Ёшларни хорижий тилларга ўқитиш мақсадида 495 касбий таълим ташкилотига хорижий тил курслари очилган. Ҳозир 8063 ўқувчи турли тилларни ўрганилмоқда. 2024/2025 ўқув йилида техникумларнинг қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича 790 аёл-қиз давлат гранти асосида таълим олиб, харажати тўлиқ давлат ҳисобидан қопланди. Шу билан бирга, “prof-emis.edu.uz” платформаси орқали 859 аёл-қиз ахборот технологиялари соҳасидаги қисқа муддатли курсларда ўқитилди. Ушбу курсларда жами 2949 аёл ўқитилган ва ўқиш якунида уларга давлат намунасидидаги сертификатлар берилган.

Рақамлаштириш — давр талаби

Мамлакатимиздаги етакчи ташкилотлар билан ҳамкорликда касбий стандартлар ва халқаро таълим дастурлари асосида ўқув дастурларини янгилаш ишлари давом этмоқда. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой ва Жанубий Кореянинг илгор таълим дастурлари жорий этилмоқда. Натижада меҳнат бозорига аниқ вақтда талаб юқори бўлган 60 та касб рўйхати шакллантирилди. Ушбу рўйхат нафақат соҳа эҳтиёжларини, балки келажакдаги ривожланиш истиқболларини ҳам инобатга олган ҳолда тузилди. Бу эса тайёрланаётган кадрлар рақобатбардошлигини сезиларли даражада оширади.

Касбий таълим тизими самарадорлигини ошириш ва ёшларни меҳнат бозорига тайёрлаш борасидаги яна бир муҳим қадам тизимнинг рақамлаштириш бўлди. Рақамлашган тизимнинг биринчи афзаллиги вақт ва ресурсларни тежашда намоён бўлмоқда. Энди маълумотларни қўғоз шаклида юритиш, қўлда ҳисоб-китоб қилиш ва мураккаб ҳисоботларни тайёрлашга сарфланган вақт қисқарди. Шу билан бирга, инсон омилни иштирокчи қамайиб, қарорлар адолатли ва асосли қабул қилинмоқда. Келгусида эса рақамлаштириш имконияти янада кенгайиб, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, меҳнат бозорига тенденцияларни олдидан баҳолаш, қайси касбларга талаб ошиши ёки қамайишини прогноз қилиш имкониятлари яратилиши ҳам режалаштирилган.

“Касблар шаҳарчаси” — ёшларга имконият

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги илгор касбий маҳорат техникумлари негизда “Касблар шаҳарчалари” ташкил этилмоқда. Ушбу ташаббус мактаб ўқувчиларини қурилиш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва “яшил” энергетика каби замонавий касбларга эрта босқичда йўналтириш имконини беради.

“Касблар шаҳарчалари” доирасида ўқувчилар учун амалий машғуллар, экскурсиялар ва интерфаол кинолар ташкил этилиб, улар касблар билан бевосита танишиш, ўз қизиқиши ва мўйиллигини аниқлаш имкониятига эга бўлади. Мазкур тизимни қўллаб-қувватлаш мақсадида худудларда 24 та малакаи баҳолаш марказини ташкил этиш, долзарб касблар бўйича сертификацисиз амалиётини жорий этиш ҳам кўзда тутилган. Аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиши ваучер тизими орқали қўллаб-қувватланади. Бундан ташқари, “Касбий ривожланиш платформаси” орқали 100 дан ортиқ касб бўйича мухталиқ таълим олиш, билим ва кўникмаларни баҳолашни ҳамда сертификат олиш имконияти яратилмоқда.

Янги ривожланиш босқичидаги касбий таълим тизими олдидидаги стратегик вазифалар аниқ белгиланган. Устувор йўналишлар дуал таълим улушини кескин ошириш, қисқа муддатли касбга ўқитиш тизимини кенгайтириш, “яшил” иқтисодиёт ва рақамли касблар улушини кўпайтириш, ҳудудий ихтисослашув асосида ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш ҳамда меҳнат бозорига эҳтиёжларини реал вақт режимида мониторинг қилишдан иборат. Касбий таълим тизимининг асосий манбаси бўлган техникумларни замонавий талаблар даражасига олиб чиқиш учун кенг қўламли ислохотлар, илгари сурилаётган ташаббуслар доирасида 9-синф битирувчиларни фанлар ва касбий қизиқишларга қараб саралаб олиниши, олийгоҳларга кириш истиғи бўлмаган ёшлар техникумларга йўналтириш.

Умуман олганда, касбий таълим энди фақат билим берувчи соҳа эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини, ижтимоий барқарорлигини ва меҳнат бозорининг сифатли ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга тизимга айланган. Изчил ва мақсадли чора-тадбирларини давом эттириш, салоҳиятли ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда мамлакат келажак учун зарур кадрларни тайёрлаш бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Роппа-роса 10 йил олдин илмий тадқиқотлар юзасидан Японияга борганимда профессор Эгучи Кенжи билан учрашиш насиб этди. У илгари “Шарк тароналари” халқаро мусика фестивалига фахрий меҳмон сифатида Самарқандга келганида бошланган дўстлигимиз бу сафарги дийдорлашувга мустақкам кўприк бўлди. У мени Токио миллий музейига олиб борди. Кўплаб экспонатлар, хусусан, мусика асбоблари орасида шиша ортида турган бир кийим дўқатимни тортиди. Бу “хаори” — японларнинг анъанавий устки кийими эди. Бир зум тўхтаб қолдим. Шиша ортида турган бўлса-да, кўз олдимда худди ўзбек миллий чопони тургандек эди. Бичимю қадди, нақши — барчаси ўша-ўша. Фақат номи бошқа.



Шомурод МУСТАФОВЕВ,
педагогика фанлари доктори

Мен бу ҳақда профессор Эгучига айтдим. У кулиб қўйди-да, бундай деди: “Бу тасодиғ эмас. Буюк ипак йўли икки халқни нафақат савдо-сотик, балки маданият орқали ҳам чамбарчас боғлаган”. Уша лаҳзада кўнглимда узок йиллардан буюн шаклланиб келётган бир фикр янада равшаланди: биз японлардан ўрганамиз деб юрган қадриятларнинг кўпчилиги аслида ўзимизда ҳам бўлган, аммо биз уларни вақт ҳукмига топшириб, эътиборсиз қолдирганмиз. Японлар эса бу меросни эҳтиёткорлик билан асраб-авайлаб, замон талабларига мослаган ҳолда ҳаётнинг ўзига синдира олган.

Бу ўхшашлик нафақат буюмларда, балки одамларнинг хатти-ҳаракатларида ҳам аққол кўзга ташланди. Уша сафарда ўғлим Мурод билан бирга эдик. Токио кўчаларини кезиб юрган кунларимизнинг бирида пиёдалар йўлгадиган светофорнинг қизил чироғи ёниб турган жойдан ўттишимизга тўғри келди. Йўл бум-бум, бирорта ҳам машина кўринмасди. “Секин ўтварамизми?” деб сўрадим. Мурод тўхтади. Йўлнинг нариги бетида бир неча

Уйда бўламлизи, ишда, дарс жараёнида ёки кўчада юрган пайтимизда, фарқи йўқ — ҳар лаҳзада кимнингдир фарзандига ўзимизнинг кундалик хатти-ҳаракатларимиз билан тарбия бериб борамиз. Биз бунни хоҳ онгли равишда билайлик, хоҳ билмайлик, барибир мудом шу жараённинг марказида бўламиз.

Камолот калити

“БОЛАЛАР ҚАРАБ ТУРИБДИ”

Тарбиянинг илдизи ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишидир

япон болалари яшил чироқ ёнишини жим қотиб турарди. “Йўқ, — деди ўғлим, — болалар қараб турибди. Уларга ёмон намуна бўламиз”. Иккаламиз ҳам яшил чироқ ёнигунча котиб турдик. Мен ўша кўчада ўғлимдан ўзим учун жуда қатта сабоқ олдим: қондаларга рию қилиш жазо қўрқувидан эмас, балки ўзини жамиятнинг ажралмас бир бўлағи деб ҳис қиладиган инсоннинг табиий эҳтиёжидан келиб чиқиши керак. Японлар бунни “ката” — шакл ва тартибга бўлган чуқур, онгли ҳурмат деб атайди. Биз, ўзбеклар эса бу туйғун азалдан битта сўз билан ифода қилганмиз: одоб. Икки халқ, икки тил, аммо маъно ва илдизи бир.

Уша кунни музейдан чиққач, бир фикр бутун хаёлимни банд этди: биз бутун замонавий тушунча деб атаётган кўплаб нозик аслида тарихимизда аллақачон мавжуд бўлган эканку! Фақатгина уларни бошқа номлар билан атаб, бошқа тил билан ифода қилганмиз, холос. Бугун тарбия ва тараққиётга оид бахшларда кўп тасдиқланган когнитив капитализм тушунчаси ҳам шулар жумласидан.

Навий етти аср олдин нима деган эди?

Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани, Қариллик чоғи харж қилел ани.
Хазрат Навоий бобомизнинг ушбу мисраси кўп бор такрорланади. Лекин унинг замиридаги иқтисодий мантиқ камдан-кам ҳолатларда тўлақонли англаб етилади. “Харж” сўзи арабчада сарфланганга маблаг маъносини англатади. Инсон бирор нарсага сарфлаш учун, энг аввало, уни тўплаган бўлиши керак. Аслида, Навоийнинг айтмоқчи бўлган фикри шунки: йигитлик чоғинда тинмай билан тўпла, токи кексалигингда у сенинг капиталинга айлانسин.

Бугунги замонавий иқтисодиёт тилида ушбу гоя “когнитив капитализм” деб юритилади. Профессор М. Қуновун бунни қуйидагича таъшутилади: “Капитал фақатгина пул ёки мулкдан иборат эмас. Айтилайлик, машинаниг бор ва унда ишга бориб келасиз, бу шунчаки бойлик. Лекин ўша машинани ижарага бериб, ундан ҳар ой даромад қилсангиз, энди



бу бойлик капиталга айланган бўлади. Худди шунингдек, бўш турган квартирангиз шунчаки бойлик бўлса, уни ижарага бериб фойда қўришингиз капиталдир. Асосий фарқ шундаки, капитал ўзини ўзи кўпайтиради, ҳатто тинч ётган ҳолатида ҳам сизга қўшимча қиймат ҳосил қилиб бера олади. Ана энди ўринли бир савол туғилади: сизнинг билимингиз қайси тоифадан ўрин олган?

Агар ўзлаштирилган билим капиталга айланмаса, унинг қадр-қиммати нимада қолади? Ўткир Хошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” асариди бундай ўткир ва кескин бир савол бор: “Бу киши ниҳоятда илми, ниҳоятда донишманд, аммо ўзи камбағал десангиз, “Ақли ва билимдон бўлса, нега бой бўлмаган?” деб сўрайдилар.”

Японияда гувоҳи бўлганим ўша манзара хотирамга умрбод муҳрланиб қолди ва менга жуда кўп нарсани тушунтириб берди. Япониянинг ҳақиқий буюклиги унинг

замонавий технологиялари ёки қудратли иқтисодиёти эмас, балки светофор ёнида яшил чироқ ёнишини сабр билан, жим қотиб турган ўша жажжи болаларда мужассам эди. Ҳақиқий тарбия йиллар давомида қатлам устига қатлам бўлиб йиғилади ва бора-бора инсоннинг табиатида сингиб кетади. Шунда инсон шунчалар қандаг амал қилиш керакчилиги учун эмас, балки ички маънавияти шунча тақозо этгани учун ҳам ҳар доим тўғри йўлни танлайди. Кумулятив тарбиянинг пиёровард ва якуний мақсади ҳам айнан шундан иборат — у инсонни шунчаки нимандир билишга эмас, балки қандайдир шахс бўлиб етишишга ундайди. Бу замонавий иқтисодиёт тилида “инновацион инсон капитали” деб аталади.

Жозибдор тушунча

Билим ва тарбиянинг ўзара мукамал уйғунлиги бугунги кунда яна ҳам омон олди — инновацион инсон капитали. Бу жозибдор

тушунча замирида жуда оддий бир таъриф ётади: у сифатли таълим олган, доим ижодкор ва ташаббускор, ҳар қандай янгиликка очик, нафақат ўзидаги мавжуд билимларни амалиётда қўллаш оладиган, балки бутунлай янги моддий ва маънавий қиймат ярата оладиган инсондир.

Ўзбекистон 2030 йилга бориб Глобал инновациалар индекс рейтингинда дунёнинг 50 та энг илғор мамлакатлари сафига киришдек улкан мақсадини ўз олдига белгиланган. Бундай маррага эришиш йўлидаги асосий амал тоши ҳар томонлама пухта таълим қўрган, ташаббускор ва том маънода ижодкор янги авлодни етиштиришдир. Глобал мақсадларда бу таълим тизимини “Lifelong learning” — яъни умр бўйи узлуксиз ўрганиш деб аташади. Бироқ эътиборлигини шундаки, бу теран гоянинг асл руҳи бизнинг маданиятимизда ва қонимизда аллақачон мавжуд бўлган: Хазрат Навоий етти аср муқаддам айнан ана шу нарса ҳақида ёзиб қолдирган. Биз бугун шунчаки

Ўзимиз унутиб қўйган ўша бебаҳо тушунчани замонавий тилда қайтадан кашф этаймиз, холос.

Ушбу мақолани ёзиб тугатган, хаёлим беихтиёр ана ўша Токио музейи залларига қайтди. Шиша ортида маҳобат билан осилиб турган “хаори” худди ўзбек миллий чопонини кўз олдимда яна жонлантиргандек бўлди — гўёки у муштарак бир тарихнинг дарёнинг икки қирғоғида тушиб қолган изларига ўхшарди. Фақат биргина қадрият икки хил халқда, икки хил ном билан яшаб келган.

Японлар миллий қадриятларини — қатий интизом, юксак масъулият, чексиз сабр, илм-фанга бўлган чуқур муҳаббат ва жамиятга нисбатан ҳурмат руҳини авлоддан авлодга етказиб, асраб келмоқда ва бунини кундалик ҳаётнинг мутлақо ажралмас бир қисмига айлантира олган. Бундай қадриятлар уларнинг таълим тизимида ҳам, кўчадаги оддий хулқ-атворида ҳам, кундалик оддий инсоний муносабатларида ҳам бирдек яққол ифодасини топади.

Аслида, бундай гўзал фазилатлар халқимизга ҳам асло бегона эмас. Ахир бизнинг Навоийдек мутафаккиримиз бор. Беруний ва Ибн Синодек алломаларимиз, Мирзо Улуғбекдек буюк олимларимиз ўтган. Халқимиз ҳам асрлар оша илмни энг олий қадрият сифатида улуғлаб келган, ҳалол меҳнат қилишни шараф деб билган ва гўзал одоб-ахлоқни ҳаётининг ажралмас тамойилига айлантира олган.

Ўғлим Мурод ўша кунни светофор олдида қисқагина бир гап айтган эди: “Болалар қараб турибди”. Мен ўшанда жуда оддий туюлган ушбу қисқа жумлада қанчалик теран ва чуқур маъно яширинганини тўлақонли англаб етмаган эканман. Аммо бу сўзлар хотирамда бир умрга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолди. Чунки тарбия жараёни фақатгина синфхона ёки мактаб деворлари ичида чекланиб қолмайди. У кўчада ҳам, гавжум бозорда ҳам, меҳмонлар даврасида ҳам, ҳатто оддийгина светофор ёнида ҳам муттасил давом этаверади. Уйда бўламлизи, ишда, дарс жараёнида ёки кўчада юрган пайтимизда, фарқи йўқ — ҳар лаҳзада кимнингдир фарзандига ўзимизнинг кундалик хатти-ҳаракатларимиз билан тарбия бериб борамиз. Биз бунни хоҳ онгли равишда билайлик, хоҳ билмайлик, барибир мудом шу жараённинг марказида бўламиз.

“Япон мўъжизаси” деган тушунча биз учун мутлақо бегона эди, имконсиз нарса эмас — у ўзимизнинг бебаҳо тарихий меросимиз ҳисобланган, ўз вақтида ота-боболаримиз томонидан садоқат билан асраб-авайланган ва бутун ўзқиллиги билан ҳаётга таъбиқ этилган азалий қадриятларимизнинг амалии бўлиб кўринишидир. Худди шундай қарқор тарбақитни биз ҳам бевосита ўз кўлимиз, меҳнатимиз ва ақл-заковатимиз билан бунёд этишга тўла қодирмиз. Бунинг учун эса, энг аввало, тарихий илдизларимизни янада чуқурроқ қадриятимиз ва уни келажакимиз сари янги муҳаббат билан қўприққа айлантира олишимиз зарур.

Тўйдан кейинги маша

Исमत акани ўй босди. Бунчалик бўлади деб ўйламаганди. Аёли санаб ўтган сарполарнинг охиригилари қулоғига ҳам кирмади. Ўйлаб гапирганими ўзи? Нима эмиш, одамлар гап қилармиш. Ҳўп, буларнинг бари текин келмайди-ку? Бир четга ўтириб, харажатни чамалади. Эҳ-хе, бу сарпо-суруқнинг ўзига анча пул кетади-ку. Хали элга ош бериш керак, дастурхон тузаш... Ҳисобдан адашиб ҳам кетди. Қадимгилар “Киз чиқарганга қирк йил тегма”, деб бежиз айтмаган экан. Тўрт кизи бор. Хали тўнғичини узатишда шунча бош оғриғи бўлса, кенжа қизига бориб адо бўлади, чоғи.

Эндигина ўзини банд қилиб, оғзи ошга етганди. Анча йил ишсиз юриб, бири икки бўлди. Охири маҳалла фаоллари кўмаклашиб, томорчасини ишга соқди. Шунча йилдан буюн ҳовлисидаги хазинани англамаган экан. Астойдил меҳнат қилган эди, даромад ҳам кела бошлади. Мана, уч йилдирки, элик-олтимиш миллион сўмдан фойда оляпти. Уна қуриб берган уй эски ҳолича етганди. Тас таъмирлаб олди, эшик-деризаларини янгилади.

Турмуши анча ўзгарди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Пешана тери эвазига, албатта. Аммо шунча меҳнат ортидан келган маблагни бир кунда совиришга юраги дош бермасди. Яна денг, хотини бозорда топилаётган латта-путталарини айтиб, ҳоли-жонига қўймагани ёмон бўлди. Қизининг инжиқликлари эса барчасидан ошиб

СЕП ЎРНИГА КИТОБ...



Орамиздаги одамлар

тушди. Танлаган нарсасини олиб бермай иложи қанча? Яна нархи отнинг калласидек буюмлар...

— Буниси аммажонисидан.

— Ана, холажонлари ҳам келмоқда. Тўлиб-тошганини кўринг...

— Янгалари, қани сизлар? Келин билан танишиб кетмасизларми? Келинлар...

— Кўп яшанг. Кўшниларига бир салом...

Исमत ака шунча йилдан буюн тўй-томошага юриб, “келинсалом” деганларини кўрмаган экан. Қизини узатиб, куёв томонга борди. Тўйнинг ўртасида аёллар “келинсалом”ни бошлаб қолди. У бир четга қузатиб ўтирди. Кайвони аёл сўзи сўзга улаб,

чечанлик билан “келинсалом” айтганди. Аёллар қўлида мато ушлаганча келиб, келин билан қўришарди. Ажабланарлиси, келиннинг ёнида турган Исमत аканинг янгиси уларга жавобан яна бир матони таққиб юборарди. Гўёки икки томон товар айирбошлаётганга ўхшарди. Беҳуда сарфланаётган бу харажатдан унинг кўнгли хижил бўлди. Шу дабада нима учун қилинаётганини тушуниб етолмади.

Эртаси кун Исмат ака тўй чарчоғини чиқариш илнжида бошини ёстиққа қўйиши билан дарвоза тақиллаб қолди. Эринингига ташқарига чиқди. Тўйга ишлатилган буюмларнинг ижарасидан қолган қарзини сўраб келишган экан. Бор-будини йиғиб бериб

юборди. Ярим соат ўтмай, яна бири қарзини сўраб келди. Бу ҳолат кечга қадар икки-уч бор такрорланди. Тун ярмига бориб Исमत аканинг қон босими ошгач, “тез ёрдам” машинаси шифохонага олиб кетди.

Тақдирларни боғлаган хазина

Юқоридаги ҳолат бадий тўқима эмас, айни кунларда бўлиб ўтган реал воқеа. Афсуски, бундай ҳодиса биргина Исमत аканинг хонадониде эмас, деярли кўпчиликнинг уйда кузатилаётган дабада орта ордани, қамайгани йўқ. Кимўзарга қилинаётган сарполару исроф этилаётган озиқ-овқатни ҳисоблаб, охирига етиш мушкул. Лекин яқинда ижтимоий тармоқларда андижонлик қизининг вожага келин бўлиб тушгани, ёш оиланинг тўйи ихчам ўтгани ва сеп ўрнида фақат китоб қилганини эшитиб, рости, ишонмадик. Шу сабаб водийлик қиз келин бўлиб тушган хонадонини излаб бордик.

Қўқдала туманидаги Шўрбозор қишлоғи вилоят марказидан анча оғисда жойлашган. Водийдан эса у ерга ана чакирим йўл босиш керак. Аммо тақдир битиғида Насиба Иброҳимованинг шу мазилга келин бўлиши ёзилган экан. У талабалик даврида шу қишлоқлик Миржалол Маҳмароҳимов билан танишиб қолди. Ешлар бир-бирига қўнгиб қўяди. Бу бежиз эмасди. Улар турли вилоятда вояга етган бўлса-да, иккисининг ҳам болалиқдан китобга меҳри балеанд. Айнаманана шу китобсаворлик уларнинг тақдирини ўзаро боғлаган бўлса, ажабмас.

Натижада ота-оналарнинг розилиги билан тўй бўлди. Бу тўй орадан анча бошқа ўтди: ихчам ва камхаражат. Келиннинг сепини кўришга қизикқан янгалар ҳайратда қолди. На-

сиба бошқаларга ўхшаб бир талай мато, кийим-кечак билан эмас, балки китоблар билан келди. У янги уйига жавон ўрнаттириб, сепини томоша қилиш истагидиларга ўзи келтирган адабиётларни кўрсатди. Бунни кўриб, кимдир ҳавас қилди, кимдир эса ҳайратдан ёқа ушлаганча қолди.

— Турмуш ўртоғим билан табиатимиз ўхшашлиги — иккимизнинг ҳам китобга қизқишимизда, — деди Насиба Иброҳимова. — Мен 7-синфитимдан бадий адабиётларни ўқиб келаман. Ушандан буюн ўқиган ҳар бир китобимни асраб қўяман. Турмушга чиққунимга қадар жавонимдаги адабиётлар сони 800 тадан ошди. Яхши кўрган буюмларимни ташлаб кетолмадим. Агар қайнона-қайнотам розилик билдирса, сеп ўрнига китобларимни олиб келишни мақсад қилгандим. Уларга бу фикрим маъқул келди. Бундан роса қувониб кетдим. Келинлик учун энг зарур буюмлардан ташқари, фақат мана шу бойликларимни олиб келдим. Билсам, бу хонадон эгалари ҳам оилавий китобхон экан. Турмуш ўртоғим анчагина китоб ўқи, йиғиб қўйган. Ҳозир жавонимиз китобларга лиқ тўлиб турибди.

Насибахоннинг ташаббуси билан Шўрбозор қишлоғида уй-кутубхона очилди. Қишлоқ аҳолиси бу имкониятдан мамнун бўлиб, келин келтирган китобларни мутлақо қилмоқда. Айниқса, ешлар бундан жуда хурсанд. Қайнонаси Меҳри опа эса фарзандларининг бир-бирини тушунуб, аҳил-иниқ яшаётганидан бахтиёр.

— Уним табиёт ҳодими бўлсам-да, қўлимдан китоб тушмайди, — деди Меҳри

Диёрова. — Ўғлимни уйлантириш тараддудини бошлаганимда, у водийга совчиликка боришини айтиб қолди. Андижонга бордим. Бўлажак қудаларимиз ҳам ўқимишли кишилар экан. Шу боис, суҳбатимиз тез қовушди. Тўйни ўтказишда камхаражат йўлни танлашни таклиф қилишди. Бу бизга маъқул бўлди. Чунки ўзимиз ҳам исрофгарчиликни ёмон кўраемиз. Бир кунлик қўни деб беҳуда сарф-харажат қилишнинг оқибати яхши бўлмайди. Гоҳида кам таъминланган оилаларнинг бор-будини сотиб тўй қилаётганини кўриб, роса ачиниб кетаман. Эртаси кун эса ҳоли вой бўлиб юрарди. “Одамлар нима дейди?” дея ўзимизни ўзимиз қийнаймиз. Эртага ноҳор аҳволда қолса, бирортаси бир сўм беролмаслиғи анқ. Тўй кунини келимнинг бир сандиқ китоб билан келди. Аслида, бундан ортиқ бойлик йўқ. Қисқартирилган сарф-харажат ўрнига ҳам бадий адабиётлар олиб келишди. Бугун бу китоблардан бутун қишлоқ аҳли фойдаланмоқда.

Насибахоннинг бу ташаббусини бутун кўпчилик фаоллар қўллаб-қувватламоқда. Еш оила бира ҳаракат қилиб, қишлоқда жамоат кутубхонасини барпо этиш ниятида юрибди. Демак, водийлик келиннинг таклифи билан тез орада Шўрбозорда янги кутубхона иш бошлайди. Уни китоблар билан бойитиш эса улар учун муноси эмас. Бундан ташқари, қишлоқ фаоллари ҳам қараб турмоқчи эмас, ҳар бири имони етганича китоб совға қилиш таклифини билдирмоқда.

Яна бир гап. Насибахоннинг айтишича, агар бир тўй харажатларининг ҳеч бўлмаганда элик фиози иктисод қилиб қолинса, бунинг эвазига ўша худдада мўъжизагина кутубхона барпо этиш мумкин экан.

Акбар ҲОЗИЕВ,
журналист



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
30646 нусхадда босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Бахоси келишилган нарҳда.

“ШАРК” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 22:20 Тошриқиди — 00:10